Ходим маст ҳолатда шикастланса... 6-бет


# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

2008-yil 10-iyul
№ 82 (2495)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




Яхшиликка дугона аёл 4



Муқаддас китоб 11



Чарли Чаплин: «Ҳақиқатгина санъатда барҳаётдир» 12



Бизни тинглаётган Ой 13

## Ракурс

### Нон увол бўлмасин!

Одамнинг доимий эҳтиёжларидан бири — овқатланиш. Егуликлар ичида эса янада зарури ва давомли равишда истеъмол этиладигани НОНдир! Унинг азизлиги ҳақида асрлар давомида аждодларимиздан ўтиб келаётган ҳаётий ҳикоялар, ривояту афсоналарни эшитмаган киши йўқ бўлса керак.

Қолаверса, шаҳри азим Тошкентимиз «нон шаҳри» деб ҳам аталади. Аммо шу кунларда мана шундай улуғ номга сазовор бўлган пойтахтимиздаги баъзи нонвойлар, нон ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларини нон деб аташ қийин бўляпти. Айтайлик, бўлка(буханка) нонни ер экансиз, уларнинг баъзиларидан албастр таъми ва хлор ҳиди келади. Нега албастр таъми келиши мавҳум. Азиз нонвойларимизнинг эса унга оҳак қўшишларига ишонгимиз келмайди. Ҳарҳолда одам шу даражада пасткашликка бормаса керак бизнингча. Хлорга келсак, тоза совуқ сувни иситишга ёки эринишади, ё вақт йўқ. Натижада, қайта ишланган ва ювиш-чайишга мўлжалланган иссиқ сув ишлатилади. Бўлка ноннинг ярмини амаллаб ейсиз. Кейинги ярми эса бир кунга етмай ачийди. Ушлаб кўрсангиз — хамир! Ундан таралаётган уфунотли ҳидга-ку унча-мунча «бурни ишламайдиган»нинг ҳам бардош бериши мушкул. Шахсан ўзим икки кун ичида учта «нон»ни исроф қилиб, қўйларга бериш учун олиб қўйдим. Бундай ҳолатдан бошқа яқинларим ҳам шикоят қилишди. Ўйлаб қоласан, киши. Наҳотки дўкон пештахталарига чиқариладиган нон маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилигини назорат қилиш сусайган бўлса. Ахир, нон истеъмол қилиш кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган-ку! Эҳтимол, тегишли мутахассислар бир жойга йиғилишиб, ушбу ҳолатни атрофлича муҳокама этишар. Зеро, унинг одам саломатлиги учун муқаррар хавфи ҳам бўлиши мумкинлигини унутмаслик жоиз.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**




## 2008 — Ёшлар йили

# Мустақил ҳаётга йўлланма

*Фарғона ижтимоий-иқтисодиёт коллежи вилоятдаги нуфузли таълим масканларидан. Бу ерда таълим жараёни замон талаблари даражасида ташкил этилган.*

*Коллежда маъмурий ҳуқуқий фаолият, хўжалик ҳуқуқий фаолияти, ҳуқуқ ва ижтимоий ҳимоя, молия бухгалтерлик иши, солиқ ва солиққа тортиш ҳамда автомобилларда ташиш ва бошқариш йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади.*

*Коллежнинг жорий 694 нафар битирувчисига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Уч йил давомида ўқувчилар замонавий фан кабинетлари, ўқув лаборатория ҳамда ўқув устахонаси жиҳозларидан самарали фойдаланган ҳолда билим олди. Энди уларнинг бир қисми олий таълим даргоҳларида ўқишни давом эттирса, қолганлари ўзи танлаган йўналиш бўйича ишга жойлашади.*

**Суратларда:** *коллеж ўқув биноси кўриниши; коллеж битирувчилари Барно Раҳмонова, Ойгул Мўминова ва Мафтуна Сотволдиева.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**




«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичларимиз: 133, 134

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шакллантириш, уларни мусиқий маданият ва санъат соҳасидаги юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болалар мусиқа ва санъат мактабларини, шунингдек, Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

бошланғич мусиқий таълимни ташкил этиш ва унинг ривожланишини таъминлаш, ушбу йўналиш бўйича мутахассислар ҳамда педагогларнинг маҳорати ва малака даражасини ошириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим тизимини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, улар орасида истеъдодларни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг моддий-техник ҳамда умумтаълим ўқув базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш.

Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг касбий йўналишига оид фаолиятини ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси Ўзбекистон давлат консерваторияси зиммасига юкланиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги Ф-2908-сонли фармойишига биноан тузилган Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган, қуйидаги масалаларни ўз ичига олган Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) тасдиқлансин:

2009-2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш тадбирлари 1-иловага мувофиқ;

2009-2014 йилларда янгитдан қуриладиган ҳамда капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг асосий параметрлари 2- ва 3-иловаларга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси «Даврархитектқурилиш» қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар мусиқа таълими соҳасидаги мутахассис ва педагогларни жалб этган ҳолда, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 1-типи учун 200 ўқувчига ва 2-типи учун 150 ўқувчига мўлжалланган иккита намунавий лойиҳа ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш Ўзбекистон Республикаси «Даврархитектқурилиш» қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган 1-ва 2-типдаги намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ушбу қарорга биноан тасдиқланган Давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда самарали ва сифатли бажарилишини таъминласин;

ҳар йили Инвестиция дастури лойиҳасини ва қурилишларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиришда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг аниқ сони ва рўйхатини кўрсатган ҳолда, уларнинг янгиларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, зарур асбоблар, ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш ҳажмларини белгиласин;

2009-2010 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси ва Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги академик лицейларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун зарур бюджет маблағлари, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун маблағларни назарда тутсин.

4. Болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгитдан қуриш учун майдонларни танлашда тасдиқланган норматив ва параметрларга мувофиқ уларнинг, қоида тариқасида, албатта республика туман ва шаҳарларининг турар-жой массивларида жойлаштирилиши ҳисобга олинсин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари зиммасига юклатилади;

маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган намунавий лойиҳалар ва лойиҳага тегишли қарорлардан ҳар қандай четга чиқишларга фақат бош лойиҳа институти билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси «Даврархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқланган тақдирдагина йўл қўйилади;

янгитдан қурилган ҳамда капитал реконструкция қилинган болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларини фойдаланишга қабул қилиш 4-иловага мувофиқ таркибдаги Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган сифат стандартлари ва намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади;

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ишлашини таъминлаш ҳамда малакали педагог кадрлар билан тўлдириш масъулияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатилади.

6. Қуйидагилар:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, намунавий лойиҳаларга асосланмаган ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва стандартларига мос келмайдиган янги болалар мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва уларни капитал реконструкция қилиш;

янгитдан қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларида тиклаш ишларини амалга оширишда 2-ва 3-иловаларда кўрсатилган параметрларга қаттиқ риоя қилинсин ва уларни бир тоифадан бошқа тоифага ўтказиш қатъиян тақиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Даврархитектқурилиш» қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича ишларни батамом тугатиб топшириш шарти билан танлов пудрат тендер савдоларини ўтказиш ўз вақтида ва аниқ ташкил қилинишини таъминласин;

буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан, жумладан, тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ бажарилган лойиҳа ва қурилиш ишларининг сифатига қатъий риоя этилиши устидан қаттиқ мониторинг ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларини қуриш ҳамда капитал реконструкция қилиш манзилли дастурига киритилган объектлар бўйича танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларидаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳаларга, шунингдек, тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига қатъий риоя этилиши бўйича шахсий масъулият юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган Давлат дастурига киритилган болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ва моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2015 йилнинг 1 январига қадар Давлат дастури доирасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун олиб келинадиган мусиқа асбоблари ва махсус ускуналарга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги Ф-2908-сонли фармойиши асосида тузилган Республика комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан янгитдан қуриладиган ҳамда капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатига тасдиқланган умумий параметрлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

12. Бошқарув ходимларининг чекланган сонини тегишли равишда кўпайтирган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасида 7 кишидан иборат Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг тузилмаларида болалар мусиқа ва санъат мактабларини мувофиқлаштириш бўйича 2 кишидан иборат бўлинмалар ташкил қилинсин.

13. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев):

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг олиб борсин;

ҳар йили ярим йил ва календар йили якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида тасдиқланган Давлат дастурини амалга ошириш натижаларини муҳокама қилиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 8 июл

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ 2008 ЙИЛ 8 ИЮЛДАГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш ва маданий даражасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида” қабул қилинган қарори ушбу сиёсатнинг ёркин ифодасидир.

Қабул қилинган ушбу Дастур келгусида фарзандларимизнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон мусиқалари ҳамда тасвирий санъат намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Ушбу Дастур моҳият эътибори билан мамлакатимизда бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришни кўзда тутади.

Дастурни 2009-2014 йиллар мобайнида амалга ошириш мўлжалланган. Бу даврда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг замонавий моддий-техник базасини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу ўринда Дастурда 136 та янги болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш, фаолият кўрсатаётган 142 та мусиқа мактабини эса капитал таъмирлаш, уларни тобора ўсиб бораётган замонавий талаблар ва намунали лойиҳаларга мувофиқ таъминлаш назарда тутилганини қайд этишнинг ўзи кифоя. Ушбу мактабларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мусиқа асбоблари, ўқув ва мусиқа ускуналари билан жиҳозлашга катта эътибор берилган. Умумтаълим мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа бўйича ўқув ва услубий қўлланмаларни замонавий мезонлар, ўқув стандартлари ва дастурлари асосида такомиллаштириш кўзда тутилган.

Мазкур Дастурда ҳозирги вақтда болаларни мусиқий таълим ва санъатга жалб этиш мажбурий эмаслигидан келиб чиқилган ҳолда, ўқув жараёнлари орқали уларнинг умумий маданияти ва интеллектуал савиясини ошириш назарда тутилган. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар ҳамма ота-оналар ҳам ўз фарзандларига мусиқий таълим бериш, уларни санъатга жалб этиш истагини рўёбга чиқариш бўйича реал имкониятга эга эмас эдилар. Фаолият кўрсатаётган мусиқа мактабларининг моддий базаси тобора ортиб бораётган талабларга тўла жавоб бермайди, улар мусиқа ва санъат билан самарали шуғулланиш учун етарли шарт-шароитга эга эмас. Мусиқа мактабларининг 80 фоиздан зиёди мослаштирилган биноларда жойлашган, улар мусиқа асбоб ва ускуналари билан етарли даражада таъминланмаган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, мусиқа ва санъат билан шуғулланиш болаларни интеллектуал ҳамда маънавий ривожлантиришнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ушбу масалага ғоят жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов келажак интеллектуал ва маданий томондан юксак тараққий топган миллат ва халқларнинг қўлида бўлиши ҳақида бир неча бор таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Қабул қилинган мазкур Давлат дастури ушбу мақсадга эришишда асосий таянч бўлиб хизмат қилади.

Дастурда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун кўзда тутилган катта миқдордаги маблағлар унинг кўлами нечоғлиқ кенглигидан яққол далолат беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, дастурни 2009-2014 йилларда амалга ошириш учун 355 миллиард сўмдан ортиқ, жумладан, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун 240 миллиард, уларни мусиқа асбоблари, ускуналари ва инвентарлар билан таъминлаш учун эса 115 миллиард сўм йўналтириш мўлжалланмоқда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ушбу мактабларни қуриш ва капитал реконструкция қилиш бўйича ягона буюртмачи сифатида белгиланди. Бу бежиз эмас. Болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ҳамда капитал реконструкция қилиш умумтаълим мактаблари ва болалар спортини ривожлантириш дастурлари билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бу эса жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол, маънан бой ёш авлодни шакллантиришга қаратилган.

Шуниси ўта муҳимки, ушбу маблағлар, авваламбор бошланғич мусиқий таълимнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги турдаги муассасалари бўлмиш мусиқа ва санъат мактабларининг амалда янги ва замонавий моддий-техник базасини яратишга йўналтирилади. Мусиқа ва санъат мактаблари қуришга республикамиз туман ва шаҳарларидаги турар-жой массивларидан жой ажратиш кўзда тутилмоқда. Бунда уларни нафақат вилоятлар марказлари, балки энг аввало қишлоқларда болаларнинг яшаш жойларига имкон қадар яқин бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, қабул қилинган қарорда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг Давлат дастурида белгиланган мақсадларга тўлиқ жавоб берадиган моддий-техник базасини ташкил этишга катта эътибор қаратилган.

Шу мақсадда республикамизнинг етакчи лойиҳа институтлари томонидан, мусиқий таълим ва санъат соҳасидаги ўқитувчи ва мутахассисларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг икки хил намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳалар мамлакатимиз ва етакчи хорижий давлатлар тажрибасини мужассам этган бўлиб, уларда миллий анъана ва хусусиятлар ҳам ҳисобга олинган. Ушбу намунавий лойиҳалар мактаблар қуриладиган жойнинг ўзига хос хусусиятларини, таълим оладиган ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, 200 ва 150 нафар болага мўлжалланган. Бунда янги қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган объектларнинг 70 фоизи иккинчи турдаги намунавий лойиҳага тўғри келади. Бунинг сабаби эса мазкур мактабларнинг катта қисми кичик шаҳарлар ва қишлоқ туманлари марказларида жойлаштирилиши билан боғлиқ. Бундан кўзланган мақсад имкони борича кўпроқ болаларни мусиқа ва санъатга жалб этишдан иборат.

Фаолият кўрсатаётган мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш бўйича Дастурда белгиланган чора-тадбирлар бу мактабларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мос бўлишини назарда тутади.

Қолаверса, молиялаш манбаларидан қатъи назар, намунавий лойиҳаларни қўлламасдан, тасдиқланган қурилиш нормалари ҳамда стандартларига мос келмайдиган янги болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш қатъиян ман этилади.

Болалар мусиқа ва санъат таълими соҳасидаги турли йўналишларнинг ўзаро уйғунлиги ва мувофиқлигининг эътиборга олингани тасдиқланган намунавий лойиҳаларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Масалан, намунавий лойиҳаларда мусиқа ва хонандалик билан якка тартибда ҳамда гуруҳ бўлиб шуғулланиш учун ихтисослашган синфлар қулай тарзда жойлаштирилган. Хореография, миллий рақс билан шуғулланиш учун синфлар ҳам кўзда тутилган. Рассомлик, ҳайкалтарошлик синфлари, компьютер графикаси каби замонавий санъат турлари билан шуғулланиш учун синфлар бор. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик ва металлга ишлов бериш, зардўзлик буюмлари, макраме, гобелен ва гиламлар тайёрлаш бўйича кўплаб миллий амалий санъат устахоналари мавжудлигини алоҳида қайд этиш даркор.

Бундан ташқари, лойиҳаларда мусиқа ва санъат мактабларида ижодий муҳит яратиш, ёш авлодни баркамол ривожлантириш мақсадида ахборот-ресурс марказлари, назарий машғулотлар синфлари, маънавият ва маърифат хоналари ҳам кўзда тутилган.

Шу билан бирга, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилар ўз маҳоратини намоён этиши, кўргазмалар ташкил қилиниши мумкин бўлган ўзига хос маданият марказларига айланиши лозим. Шу мақсадда намунавий лойиҳаларда кўрик-танловлар ва бошқа маданий тадбирларни ўтказиш учун концерт заллари, шу жумладан, ёзги концерт заллари бўлиши назарда тутилган.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг шу тариқа ташкил этилаётган инфратузилмасида ушбу мактабларда таълим жараёнининг мазмун-моҳиятини тубдан яхшилаш кўзда тутилган бўлиб, бу болаларнинг истеъдод ва қобилиятини эрта, юқори даражада аниқлаш, уларни тайёрлашни таъминлаш имконини беради.

Табиийки, бундай замонавий ва яхши жиҳозланган мактабларда юксак малакали ўқитувчилар меҳнат қилиши керак. Шунинг учун мусиқа ва санъат мактабларини юксак малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам ушбу Дастурнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Бу ўринда гап, аввало, малака ошириш марказлари ва факультетларида болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари ҳамда концертмейстерларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш, олий ўқув юртларида мусиқа йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида мусиқа асбобларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш ҳақида бормоқда.

Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Замонавий моддий-техник база, юқори малакали педагоглар, бой тажрибага эга бўлган ушбу консерваторияда бунинг учун барча зарур шароитлар мавжуд. Шунинг учун консерваторияга мусиқа мактаблари фаолиятини ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифаси юклатилмоқда.

Дастурда мусиқа ва санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирларига муҳим ўрин ажратилган. Кам таъминланган оилаларга мансуб истеъдодли болаларнинг ўқиши учун пул тўлаш бўйича имтиёз бериш, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокида республика болалар фестиваллари ҳамда кўрик-танловларини мунтазам ўтказиш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Дастурнинг “Ёшлар йили”да қабул қилингани алоҳида аҳамият касб этади. Уни ўз вақтида ва тўлақонли амалга ошириш мамлакатимиз ёшлари истеъдоди ва қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитиш ва маданият даражасини янада ошириш борасида яна бир муҳим қадам бўлади.

# Янгиликлар панорамаси

## «Лочин»да «Келажак овози» совриндорлари

**«Келажак овози» Республика ёшлар маркази ташаббуси билан турли кўрик-танловларда ғолиб чиққан 400 нафар йигит-қиз Шаҳрисабз туманининг тоғ ёнбағрида жойлашган «Лочин» оромгоҳида дам оладиган бўлишди.**

— Тадбиркорлик бўйича ўтказилган танлов ғолибиман, — дейди ёш ишбилармон Эркиной Рўзиматова. — Мироқидаги оромгоҳга келиб, аввалги танишларим билан учрашдим. Ўтказиладиган танловда тадбиркорлик борасидаги маҳоратимни яна бир бор кўрсатиб, ғолиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг чекка ҳудудларидан келган ўқувчилар ҳунармандлик, инновацион технологиялар, адабиёт, рассомлик, спорт ва турли фанлар бўйича мусобақаларда қатнашиб, ўз билим ва кўникмаларини бойитиш билан бирга маҳоратларини ҳам намойиш этадилар.

«Келажак овози» ташаббуслар маркази матбуот котиби Абдусалом Сиддиқовнинг таъкидлашича, ёшлар учун оромгоҳ маъмурияти томонидан воҳанинг тарихий қадамжолари, сўлим табиат қўйнига сайрлар уюштирилиб, қизиқарли концерт дастурлари ва кинофилмлар намойиш этилмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Мактабда касблар байрами

**Сирдарё вилоятидаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатда касблар байрами ташкил қилинди. Унда ота-оналар ва турли касб соҳиблари иштирок этди.**

Истиқлол туфайли бугунги кунда фарзандларимиз қизиқишларига кўра ўқишни давом эттиришлари, ҳунар ўрганишлари учун ҳамма имкониятлар яратилган. Вилоятда 40 га яқин касб-ҳунар коллежлари ва иккита академик лицей битирувчилар учун ўз бағрини очиб турибди.

— Мукаммал эгалланган касб инсонга фақат бахт келтиради, — дейди мактаб-интернатнинг француз тили ўқитувчиси Одилжон Мингжигитов. — Мен буни ўз тақдиримда кўраяпман. Бизнинг оиламиз педагоглар оиласи, фарзандларимиз ҳам шу касбни танлаб, ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топишди.

Тадбирга таклиф қилинган меҳмонлар мактаб-интернат жамоаси тайёрлаган стендларни, ўқувчилар ижодидан намуналарни томоша қилдилар. Ўтказилган касблар байрами иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Аминмизки, улар ҳаётда албатта ўзларининг муносиб ўринларини топадилар.

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Қўғирчоқ театри оромгоҳда

Болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини мароқли ўтказишга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Андижон вилоятининг «Лола» қўғирчоқ театри оромгоҳлар бўйлаб сафарга чиқди. «Қуёшча», «Бешариқ», «Автомобилчи», «Энергетик», «Шифокор», «Сўлим», «Навбаҳор» ҳамда Андижон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли учинчи, тўртинчи болалар оромгоҳларида Саида Иномхўжаеванинг «Саховат маликаси» номли асари асосидаги спектакл намойиш этилди. Эзгуликка етакловчи ушбу томошадан болажонлар бир олам завқ олишди. Шунингдек, «99 тилла танга», «Олмос тоғ», «Чолу кампир» сингари саҳна асарлари ҳам ёш томошабинлар хотирасида ёрқин из қолдирди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Қайтишга пулингиз борми?

Ishonch
2008 йил 10 июл № 82 (2495)

*«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига*



Адолат Ҳайитова шогирди билан

Чеҳраси очиқ, одамохун кишилар ёнига одамлар яхшиликни соғиниб, уларнинг самимий суҳбатини қўмсаб келишади. Негаки, бундай кишиларнинг орзу-интилишларида эзгу ният — «Дунё тинч бўлсин, барча одамлар яхши яшасин!» деган тилаклар зоҳир. Одамлар ҳар нарсадан кўра кўпроқ меҳрга муҳтож эканлигини бундай инсонлар ҳар лаҳзада ҳис этиб яшайдилар.

Орамизда шундай инсонпарвар кишилар жуда кўп. Улар ҳақида гап кетганда, Навоий вилоят касаба уюшмалари тизимида ишлаётганлар кўз ўнгида меҳнат аҳлининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси, ажойиб ташкилотчи ва фидойи аёл — Адолат Ҳайитова намоён бўлади.

# Яхшиликка дугона аёл

Қаҳрамонимиз туғилиб ўсган замин — тарихи асрларга туташ, баҳаво Оқтов ортида чирой очган Нурота шаҳри. Оталари эл одами эди. Болалар тарбияси қарийб ярим аср ўқитувчилик қилган Ибодат аянинг зиммасига тушгани рост.

Тўққиз фарзанд изма-из улғайиб, бари севган касби бўйича олий маълумот олди.

Адолатхоннинг касб танлаш борасидаги хулосаси кутилмаган лаҳзаларда қатъиятга айланди. Кунлардан бирида у таҳсил олаётган мактабга Самарқанд қишлоқ хўжалик институтидан бир гуруҳ олимлар ташриф буюриб, бу шарафли касб сирлари хусусида очиқ мулоқот ўтказишди.

Мутахассисларнинг таҳлилига кўра, туман хотин-қизлари орасида бирорта ҳам агроном йўқ экан. Буни эшитгач, қайси касбни танлашни билмай, иккиланиб юрган қиз кўнглида қатъий мақсад уйғонди: «Ўша биринчи агроном мен бўлишим керак!».

Яхши ниятга фаришталар ҳам мададкор деганлар. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факултетини аъло баҳоларга тугатган ёш мутахассис аҳдига вафо қилиб юртига қайтди. Туман уруғчилик инспекциясига агроном бўлиб ишга бошлаган қиз орзусига эришганди. Иқтидори ва тиниб-тинчимаслиги туфайли Адолат қисқа муддатда эл орасида кўзга ташлана борди. Шу зайил ташкилотчи қизни туман ёшлар ташкилотига ишга таклиф қилишди. Турмушга чиққач, тақдир тақозоси билан ёш оила Навоий шаҳрида яшай бошлади. Адолат бу ерда ҳам «Қишлоқхўжаликкимё» ташкилотида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими агрономи сифатида ишини давом эттирди.

Касбни севган киши учун унинг машаққатлари роҳатга айланишини Адолат шу ерда тўла ҳис қилди. Кунларнинг бирида уни Навоий вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси раиси Олимхон Обрўев ҳузурига чақириб қолди. «Нима гап экан?» дея истиҳола билан қутлуғ даргоҳга кириб бораркан, касаба уюшмаси раҳбари қишлоқ хўжалик ходимлари касаба уюшмасининг вилоят кенгаши янгидан иш бошлаётганини айтиб қолди. Адолатни шу масъулиятли жойда бирга ишлашга таклиф этди.

«Қандоқ бўларкан?..» — Адолатхоннинг бундай истиҳолага бориши табиий эди. «Бу ерда сизга ўхшаган соҳа ишини пухта биладиган, хушмуомала, фуқароларни яқиндан тушуна оладиган кишилар ишлаши лозим. Ўйлаб кўриб, эртага фикрингизни айтасиз». Агроном аёл қандай иш тутишни билмасдан ҳайрон эди. Турмуш ўртоғи Иброҳимжонга бу ҳақда маслаҳат солди. Шу-шу, Адолат Ҳайитова эл манфаати йўлида хизмат кўрсатувчи касаба уюшма фидойилари сафидан ўрин олди.

Эҳ-ҳе, биз ҳикоя қилаётган бу гапларга ҳам роппа-роса 22 йил бўлибди. Бу унча-бунча эмас, бир фарзанднинг улғайиб, балоғат ёшига етиш муддати билан баробар фурсат! У дастлаб Сафарбой Жўлдосев, Даврон Воҳидовлар билан иш бошлаб, эзгулик сари очилган қанча-қанча йўлларни босиб ўтмади дейсиз?

Қонун талаблари, давр тақозоси асосида одамлар кўнглига йўл топиб, ҳамкорликда иш юритиш, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, агросаноат ходимлари манфаатлари ҳимоячисига айланишдек шарафли вазифалар кўлами тобора кенгайиб борарди. Бу даврда қанча-қанча сиҳатгоҳлар қурилиб, ишга туширилди. Меҳнат аҳлига яратилаётган қулайликларда соҳа ишини ипидан игнасигача пухта ўзлаштириб олган Адолат Ҳайитованинг ҳам салмоқли улуши бор.

Навқирон шаҳарга алоҳида фусун бағишлаган вилоят касаба уюшмалари кенгаши биносининг биринчи қаватида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ҳудудий кенгаши ўрин олган. Содда, самимий қишлоқ одамлари учун бу ҳам бир имтиёз, қулайлик. Эшикма-эшик юриб касаба уюшмалари идорасини излаб юришмайди.

Бир гал кенгаш раисининг ўринбосари Адолат Ҳайитова иш юритадиган хонага кириб борсам, у чой дамлаётган экан. Илтифот кўрсатиб, чинни пиёлада чой узатди. Етакчи мутахассис Чори Қодиров билан ҳол-аҳвол сўрашиб турган эдик, бир аёл эшикни қия очиб қаради. Кейин тисарилиб, эшикни ёпди.

«Янглишиб очди шекилли». Адолат опа шундай деди-ю, сабри чидамай, пиёласини столга қўйиб, аёлнинг ортидан чиқиб кетди. Қарийб 10-15 дақиқадан кейин қўлида бир даста қоғоз билан хонага қайтган Адолат Ҳайитова ташвишли ҳолатда эди. Бечора биномизни банк билан адаштирган экан. 6 та фарзанди унинг қарамоғида. Бунинг устига боласининг биттаси туғма ногирон экан. «Боқишга қийналаяпман, қаердан кредит олсам бўлади?» дебди!

Опа билан бироз суҳбатлашиб, руҳиятидаги ғамнокликни тарқатишга ҳаракат қилдик. Орадан бироз вақт ўтмай хонага навбаҳорлик бир аёл кириб келди. Маълум бўлишича, унинг эри пахта тозалаш заводида ишчи бўлиб ишлаб туриб, жароҳат олган. Аёл кейинги ойларда корхона ёрдам пулларини тўламай қўйгани боис, болалар таъминотида қийинчиликлар вужудга келаётганини яширмасдан, кўзёш қилиб қолди. Адолат опа бўлса ҳаққонийликни ёшли нигоҳдан уқиб олгач, тушликдан кейин раис ҳузурига олиб кириб, энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида ёрдам пули ажратилишига кўмаклашишни ваъда қилди: «Кейинчалик иш жойингизга бориб, муаммога аниқроқ ечим излаб кўрармиз».

Аёлнинг кўнглига умид учқуни тушган эди. У опага эҳтиромини баён қилиб, «ўлгунимча миннатдорман, дунё тургунча туринг!» дея таъкидлар эди. Ўрнидан туриб, эшик сари юраркан, ногаҳон тўхтаб, ортига ўгирилди. Адолат опа шу онда кўнгли бир нарсани сезгандек, «меҳмон»га мурожаат қилди:

— Қайтиш учун йўл ҳақига пулингиз етадими?

Жимликдан кейин опа сумкачасидан уч дона минг сўмлик пул олиб, унинг қўлига тутқазди.

Мен гувоҳига айланган ҳолатлар эл ташвиши билан яшашни бахт деб билган Адолат Ҳайитованинг оддий иш кунларидан бирида юз берган эди. Ўтган 22 йилни инобатга оладиган бўлсак, у қилган яхшиликларни бирор сон ёки миқдор билан таққослаб ўтириш ноўрин.

— Орамизда шу қадар синчков, фуқаролар манфаати йўлида жон куйдирувчи одамлар борлигидан, очиғи, фахрланаман, — дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раиси Шарифжон Худойқулов.

— Ўзим ҳам ишга келган йилларимда соҳа ишларининг мақбул йўналишларини у кишидан ўрганганман. Адолат опа исми жисмига мос, ниҳоятда ҳақпарвар аёл. Кўмак истаб келган бирор кишини эшикдан ноумид қайтаришни истамайди.

— Ширкатлар тугатилиб, ўрнига деҳқон-фермер хўжаликлари тузилгандан буён аъзолар билан ишлашда янгича ёндошувлар вужудга келмоқда. Ҳудудий вакилларни бир жойга тўплаб, олдимизда турган масъулиятли вазифаларни муҳокама қилишда мен опага таяниб ишлашга ўрганганман. Адолат опа ёнимда бўлса ҳар қандай муаммо кенгаш билан ҳал қилинишига кўзим етади.

Ходимлар ораси «Яхшиликка дугона аёл» дея ном олган инсон ҳақида яна нима дейиш мумкин?

Бу дунё бир меҳмонхона. Инсон ҳаёти у қилган яхшиликлар билан қадрли. Одамларга меҳр ва яхшилик улашиш иштиёқи билан яшаётган ходим учун эса, раис айтганидек, ортиқча таърифнинг кераги йўқ.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**



А.Ҳайитова ҳамкасблари даврасида.

# "Мен — ёшликман" танловига



Қўлига яхши ният билан қалам олган киши борки, унинг башариятга айтар недир сўзи бўлади. Шу маънода халқимиз орасида санъаткор зотининг кўплиги ҳали инсоният ўз йўлида бардавом одимлаётганини далиллайди: демак, фикр билан яшаётган одамлар бугун ҳам бисёрдир.

Урганчда Шарқия ЭШЖОНОВА раҳбарлик қиладиган «Тўмарис издошлари» журналист аёллар клуби қошида ташкил этилган «Маҳорат мактаби» тингловчиларининг ҳам ёруғ ният билан дилда борини ифодалашга уринаётгани кишини қувонтиради. Эътиборлиси, вилоятнинг деярли барча туманларида мазкур тўгарак бўлимлари ташкил этилган бўлиб, у ерда ёшларга мухбирлик, шоирлик, рассомлик, меъморлик сингари ўнлаб санъат йўналишлари бўйича йўл-йўриқ кўрсатилибгина қолинмай, ўз қобилиятларини намоён этиши учун имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этаётганимиз мазкур «Маҳорат мактаби» тингловчиларининг энг сара ижод намуналаридан тайёрланган ажойиб бир гулдастадир. Зотан, булоқ кўз очиши учун андак эътибор ва ҳаракат кифоя қилади.

## НИҲОЛ



Биз ниҳолмиз самоларга бўй чўзиб, чўққиларни забт этган,
Биз ниҳолмиз дунёларга интилиб она юртин мадҳ этган.
Биз ниҳолмиз, шажарамиз боқийдур,
Эл ишончин оқлаш учун аҳд этган.

Биз ниҳолмиз, юртимизнинг келажаги,
Бугуни, эртасин ўйлаб юражаги.
Биз бормизки, боболарнинг руҳлари шод,
Биз бормизки, аждодларнинг излари обод.

Ниҳолларни улуғласа чинор бўлур,
Бел боғласак чўл-биёбон гулзор бўлур.
Ўзбекистон ана шундай диёр эрур,
Шажараси Увайсий-у Мирзо Бобур.

Биз шаҳд қилдик элимизнинг тузин оқлашга,
Самоларда юлдузлардек сўнмай порлашга.
Биз аҳд қилдик Навоийнинг илмин забт этиб,
Юртбошимиз ишончини қалбдан оқлашга.

Ирода ЙЎЛДОШЕВА

## Бизга меҳр беринг

Ривоят қилишларича, ер юзида биринчи оила Одам Ота ва Момо Ҳаво томонидан барпо этилган. Улар ўзларининг муҳаббати, заминга, ҳаётга бўлган меҳрини оила туфайли авлодларга мерос қилиб қолдирган.

Дунёдаги энг кучли нарса — она меҳри. Фарзанд туғилиб вояга етиши, ватанга, туғилиб ўсган ерига, одамларга ҳурматда бўлиши учун она меҳри жуда катта рол ўйнайди. Она боласига қанча кўп меҳр берса, у шунча яхши инсон бўлиб етишади.

Бугунги кунда қанчадан-қанча болалар она меҳрига зор бўлиб, болалар уйида тарбия олмоқда. Уларга тарбиячилари кўп меҳр бергани билан туққан онасининг меҳридай бўлмайди.

Жон онажонлар, сизлардан илтимос, биздан вақтингизни, меҳрингизни, қалб қўрингизни аяманг. Биз сизнинг дунёларга алишмас меҳрингизга зормиз!

**Нафиса ЭГАМБЕРГАНОВА,**
**Урганч туманидаги 26-матабнинг 5-синф ўқувчиси**

## Ёш меъмор



Шоҳруҳ Рўзметов 1992 йили Урганч шаҳрида туғилган. Айни пайтда Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежининг меъморчилик йўналиши бўйича 1-босқич талабаси. Шоҳруҳ ёш бўлишига қарамасдан, устози Худойшукур Чориев ёрдамида меъморчилик бўйича маҳоратини намойиш этиб, тенгдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. У бу йил «Камолот»нинг Урганч шаҳар бўлими томонидан коллежлар аро ўтказилган «Ёш лойиҳачи меъмор» кўрик-танловида «Спорт комплекси» ғояси билан иштирок этиб, биринчи ўринга сазовор бўлди.





## МУҲАББАТ

Баъзан олганимда қўлимга қалам
Хаёлимга келар бир туйғу
Ўша туйғун гўзал бир ҳисни
Муҳаббат деб атагим келар
Гоҳида ўша ҳисларга берилиб мен ҳам
Учаман хаёлан севгилим томон
Севги кучоғи ёндириб мени
Аста совутади мисли офтобдек.

## ОНАЛАР

**Оналар бор дунёда азиз**
**Меҳр-эътиборга лойиқдир.**
**Емай едириб, киймай кийдириб**
**Фарзанд учун жонин берадур**
**Сен онангни асрагин доим**
**Кўзидан ёш оқмасин сира**
**Сўнг ўша оққан ёшлар**
**Афсусингга арзимас сира.**

## СОҒИНДИМ

Соғиндим тунда ой каби ёнган юзингни,
Соғиндим юлдуздай чақнаган қора кўзингни.
Соғиндим севаман деган сўзингни,
Соғиндим гўзал ёр танҳо ўзингни.

**Бахтиёр ДАВЛАТ**

## Табиатга ошно қалб









Ёш иқтидорли рассом, иқтисодчи, дизайнер Дилафрўз Эшчонова бугунги кунда Урганч ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ёшларга маънавият асослари ва эстетика фанларидан сабоқ бериб келмоқда. У ёшлигидан асосан манзара жанрида расм чизади. Бир неча марта шаҳар ва вилоятда ўтказилган расмлар кўргазмасида иштирок этиб, кўплаб мухлислар орттирган. У коллежда ёш рассомлар тўгарагини ташкил этиб, уларга санъат сирларини ўргатиб келмоқда. Яна шуниси аҳамиятлики, Дилафрўзнинг жажжи қизалоғи Зебунисо ҳам онаси изидан бориб, расмлар чизаяпти.

Истеъдодли рассом Дилафрўз Эшчонова айни пайтда вилоят «Тўмарис издошлари» журналист аёллар клубининг фаол аъзоси сифатида клубдаги ёш рассомларга ҳам устозлик қилиб келмоқда.

## Тамаки — умр заволи

*Тамаки чекиш ҳозирги кунда халқимиз олдида турган энг мураккаб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қарангки, машҳур сайёҳ Колумб кашф қилган тамаки эндиликда бутун дунёни тутунга тўлдириб бораяпти.*

*Шуниси қизиқки, француз олимларининг маълумотларига кўра, етук ёшида ўпка силига учраган 100 та бемордан 95 таси чекар экан.*

*АҚШ медицина комиссияси текширувлардан сўнг шундай хулосага келибди: кунига 20 та сигарет чекадиган киши чекмайдиган одамларга қараганда ўпка раки (саратон) билан 20 баробар кўп касал бўлар экан. Олимлар яна бир қизиқ хулосага келдилар — кунига 1 қутидан сигарет чекадиган кашандалар ўз умрини 8 йилга, 2 қутидан чекадиганлар эса 15 йилга қисқартиришар экан.*

*Хуллас, бу борада Лев Толстой кашандаларга шундай дейди: «Аслида киши ҳаёти учун энг зарури ақлга ўхшайди, лекин шунга қарамай кўпгина одамлар ўз ҳузурларини ўйлаб, шу ақлни тамаки, вино, ароқ билан заҳарлашдан ҳам тоймайди. Киши ичмаса, чекмаса ақл-хуши жойида бўладики, нега шуни одамлар ўйлашмайди?».*

*Биз ёшлар кашандаликнинг қанчалик зарарли эканини озгина бўлса ҳам тушуниб олмоғимиз зарур. Шу ўринда чекишнинг оғир оқибатини бир мисолда кўрсатмоқчиман.*

*13 ёшли икки бола мактабда ким кўп тамаки чекади деб баҳслашибди, ота-оналари овқатланишга берган пулга 2 қути сигарэт сотиб олишибди. Ким ютқазса, эртасига 10 минг сўм олиб келиши керак экан. Кундузи соат 11 ларда 2-дарсдан сўнг кўчага чиқиб, бирин-кетин сигарет чека бошлашибди. Бири 7 та чекканидан сўнг боши айланиб, ўтириб қолибди. Иккинчиси эса сен ютқаздинг мана мени кўр деб сигаретлар сонини 13 тага олиб борганда ҳушидан кетиб йиқилибди. Шу пайт биринчи бола озгина ўзига келиб, ўртоғини кўтармоқчи бўлибди-ю, лекин кучи етмабди. Хуллас, ўтиб кетаётган катта ёшдагилар болаларнинг аҳволини кўриб «тез ёрдам» чақиришибди. Ўткир заҳарланишдан бола йўлда вафот этибди.*

Нилуфар РАЖАБОВА

## Азиз ижодкор ёшлар!

Газетамиз орқали «Ёшлар йили»га бағишлаб бошловчи ижодкорлар ўртасида «Мен — ёшликман» кўрик-танлови эълон қилинганидан хабарингиз бор. Шундай экан, сиз-да ушбу танловда фаол иштирок этишни истасангиз, қораламаларингизни таҳририятимизга жўнатинг. Зеро, аждодларимиз бежизга «дам бу дамдир, ўзга дамни дам дема» дейишмаган.

**Ҳуқуқини билган ютқазмайди**

Ishonch
2008 йил 10 июл № 82 (2495)

## Суҳбатни давом эттирамиз:

# Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси

***— Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома қачондан бошлаб берилади?***

— Меҳнатга лаёқатсизлик аниқланган кунданоқ берилади. Уни ўтган кунлар учун берилишига рухсат этилмайди. Иш (ўқиш) куни (сменаси) ниҳоясига етганидан сўнг меҳнатга лаёқатсизлик содир бўлган ҳолларда ушбу ҳужжат шу куннинг ўзидаёқ, ишдан ёки ўқишдан озод қилиш билан, бироқ кейинги календар кунидан бошлаб берилади.

Айрим ҳолларда, руҳий касалликдан азият чекувчи шахсга, ушбу касалликнинг зўрайиб кетиши муносабати билан тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат этмаган ҳолларда руҳий асаб диспансерлари ёки бошқа ДПМларнинг шифокорлик-маслаҳат комиссиялари томонидан ўтган, бироқ уч календар кундан ортиқ бўлмаган вақт учун бундай варақа ёки маълумотнома берилиши мумкин.

Мудофаа ишлари бўлимларининг йўлланмалари бўйича стационарларда, шунингдек, профессионал потология марказларида текширувдан ўтаётган Меҳнатга лаёқатли шахсларга уларнинг бу ерда бўлиш жами даври учун унга бориб-келиш ҳисобга олинган ҳолда маълумотнома берилади.

Тез (шошилинч) ёрдам пунктларида ёки травматология пунктларида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз деб топилган шахсларга МЛВ навбатчи шифокор томонидан, кейин яшаш ёки ишлаш жойидаги ДПМга юбориш шарти билан уч календар кунигача муддатга берилади.

***— Мастлик туфайли шикастланганларга МЛВ берилмайди, дейишди. Шу тўғрими?***

— Алкоголдан маст бўлиш ёки алкоголни суиистеъмол қилиш натижасида шикастланишлар ва касалланишлар чоғида МЛВ берилмайди, меҳнатга лаёқатсизлик юзага келган ҳолларда эса тегишли шаклдаги маълумотнома қуйидаги ҳолларда берилади:

а) алкоголни суиистеъмол қилиш натижасида (ўткир алкоголи заҳарланиш, алкоголли психозлар ва ҳоказо);

б) сурункали алкоголизм натижасида, нафақат стационар, балки амбулатор даволаш чоғида ҳам, беморнинг даволанишига ўз хоҳиши билан, жамоат ташкилотларининг илтимосномаси ёки ваколатли органларнинг йўлланмаси бўйича келтирилганлигидан қатъи назар;

в) алкоголни истеъмол қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган ўткир касалланиш оқибатида ёки сурункали касалланиш чоғида;

г) жабрланувчининг маст бўлиб қолганлиги билан боғлиқ жароҳатлар чоғида. Ваколатли органларнинг (Ички ишлар вазирлиги, прокуратура ва бошқалар) хулосаси асосида жароҳат бундан аввал жабрланувчи томонидан алкоголнинг истеъмол қилиниши билан боғлиқ эмаслиги (масалан, транспорт авариялари чоғида йўловчиларнинг жароҳатланиши) аниқланган ҳолларда, шунингдек, агар алкоголнинг истеъмол қилиниши унинг оғир-енгиллигида акс этмаган бўлса ДПМ ШМК маълумотномани меҳнатга лаёқатсизлик варақасига алмаштиради.

Агар маълумотнома бўйича ишдан озод қилиш давридан бошлаб ўз хусусиятига кўра янада оғирроқ янги касаллик (миокард инфаркти, анкологик касаллик, сил ва бошқа) юзага келса, унда бундай ҳолларда янги касаллик ташхиси аниқланган вақтдан бошлаб умумий асосларда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилиши мумкин.

Маст бўлиш ёки ушбу жароҳатланишни даволашдаги камчилик билан боғлиқ илгари мавжуд жароҳатланиш оқибатларида (агар ушбу оқибатлар бевосита алкоголни истеъмол қилиш натижасида юзага келмаган бўлса) ҳосил бўлган меҳнатга лаёқатсизликнинг янги ҳолати юзага келган ҳолларда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси умумий асосларда берилади.

Даволовчи шифокор томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси билан тасдиқланган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврида бемор томонидан спиртли ичимликларнинг истеъмол қилиниши далили аниқланган ҳолларда унга шифокор тайинлаган тартибнинг бузилганлиги тўғрисида белги қўйилади («тартибнинг бузилиши» устунида «алкоголдан маст бўлиш» қайд этилади ва сана кўрсатилади).

Агар бунда маст бўлиш вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг давом этишига мустақил сабаб бўлса, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддати алкоголни истеъмол қилинган кундан бошлаб узайтирилмайди, бу ҳақда меҳнатга лаёқатсизлик варақасида «ишдан озод қилиш» устунида белги қўйилган ҳолда маълумотнома берилади.

***— Маълумки, ҳомиладорлик ва туғруқ даври учун МЛВ берилади. Бироқ туғруқ чоғида она вафот этса, чақалоқни парвариш қилувчи кишига ҳам МЛВ бериладими?***

— Онанинг туғруқ чоғида ёки туғруқдан кейинги даврда вафот этиши ҳолларида қолган кунларга бўлган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси янги туғилган болани парвариш қилишни амалга ошираётган шахсга берилади.

Бевосита туғруқхонадан янги туғилган чақалоқларни фарзандликка олган ёки уларга васийлик қилишни зиммасига олган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бола фарзандликка олинган (васийлик тайинланган) кундан бошлаб эллик олти кун ўтгунга қадар берилади. Икки ёки ундан ортиқ янги туғилган чақалоқларни фарзандликка олиш (васийликнинг тайинланиши) ҳолларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома бола туғилган кунидан бошлаб 70 календар кунига берилади.

***— Бемор парваришида бўлган киши меҳнат таътилида бўлса, МЛВ бериладими?***

— 14 ёшдан катта бўлган беморларни амбулатория шароитларида парваришлаш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси оғир касалланиш, жароҳатланиш ҳолларида даволовчи шифокор томонидан белгиланадиган, бироқ 7 календар кунидан ортиқ бўлмаган ҳолда умумий асосларда берилади (ишловчи Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва ногиронлари, собиқ байналмилал жангчилар, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчилари учун бу муддат 14 календар кунига тенг).

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бундай ҳолларда оиланинг исталган аъзоси ёки қариндошига, уларнинг бемор билан бир уйда туриш-турмаслигидан қатъи назар, берилади. Бунда катта ёшдаги беморни парвариш қилувчи шахснинг меҳнат таътилида бўлиш-бўлмаслигининг аҳамияти йўқ. Стационар шароитларида катта ёшдаги беморни парвариш қилиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилмайди.

***— Маълумотномаларни бериш тартиби қандай?***

— Меҳнат қобилиятининг вақтинча йўқотилиши билан касалга чалинишлар чоғида маълумотномалар шифокорлар (фельдшерлар) томонидан қуйидаги ҳолларда берилади:

а) агар ходим ўткир касалланиш ёки жароҳатланиш ҳолларида саломатлик пунктига шифокорлар бўлмаган кечки ёки тунги вақтда мурожаат қилса;

б) маст бўлиш ёки алкоголни суиистеъмол қилиш натижасида бетоб бўлиб қолиш ёки шикастланишида;

в) ишчилар, хизматчилар, жамоа хўжалиги аъзоларининг даврий профилактика кўригидан ўтишлари вақтида;

г) армия хизматига чақирилувчиларнинг кўрикдан ўтказилиши чоғида;

д) халқ суди қарори билан мажбурий даволанишнинг амалга оширилиши ҳолларида;

е) талабалар, аспирантлар, докторантлар, клиник ординаторлар, мактаблар, касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларига;

ж) 14 календар кунидан ортиқ узоқ вақт касалланиш ҳолларида бемор болани парваришлаш бўйича.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

## ? Ноқонуний аралашув

Халқ таълими бош бошқармасининг вакили умумтаълим муассасалар қошидаги махсус комиссиялар фаолиятига аралашиши мумкинми?

**Ж.ПАРПИЕВ,**
**Наманган вилояти Поп тумани**

**!**

*Комиссия фаолиятини назорат қилиш қонунчиликда ўрнатилган тартиб асосида амалга оширилади. Бунда давлат ҳокимлик органлари ва молия органларининг умумтаълим муассасалари Комиссиялари фаолиятини, жумладан, ўқитувчиларнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича фаолиятини баҳолаш ҳамда улар томонидан ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига устама белгилаш бўйича қарор қабул қилиш ҳамда Директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантиришнинг бошқа кўринишларини жорий этиш бўйича фаолиятларига аралашишларига йўл қўйилмайди.*

*Директор жамғармаси маблағлари умумтаълим муассасаларининг фақат ўрнак кўрсатган ўқитувчиларини уларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантиришга; умумтаълим муассасалари ходимларига бир марталик мукофотлар тўлашга ва моддий ёрдам кўрсатишга (фавқулодда ҳолларда) йўналтирилади. Умумтаълим муассасаларининг раҳбар ходимларига ва ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга оширадиган ўқитувчиларга ҳар ойлик устамалар белгиланмайди. Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини 1 марталик мукофотлаш уларнинг умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади. Номутахассис ходимларга ҳам устама ҳақ белгиланмайди.*

## ? Ойлик маош ва пенсия

Қандли диабет II гуруҳ ногирониман. Менинг пенсия пулим ойлик маошимга қўшиб ҳисобланади. Шу тўғрими?

**И.ҲАЙДАРОВ,**
**Бухоро вилояти**

**!**

*Пенсия пулини алоҳида ведемостга имзо чекиб ва ойлик маошига алоҳида имзо чекиб олишингиз керак, чунки бири пенсия фонди, иккинчиси иш ҳақ фондидан ажратилади.*

## ? Иш стажи

Сайлаб қўйиладиган органларга ишлаган стажим педагогик стажга қўшиладими?

**А.АБДУЛЛАЕВ,**
**Жиззах вилояти Бахмал тумани**

**!**

*Сайлаб қўйиладиган органларда ишлаган стажингиз педагогик стажга қўшилмайди.*

**Ю.АХМЕДОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши бош мутахассиси**

## Суф сенга!

# Ўн биринчи марта панжара ортига

***Назар илк бора қора курсига ўтирганида 17 баҳорни қаршилаган ўсмир эди. Кейин яна, яна... Ўшандан буён гулдек умрини панжара ортида ўтказиб келмоқда. Ўтган қирқ йил давомида ўн марта судланди. Қайта-қайта қамалавериб, инсонлигини ҳам унутди. Ёр-биродарлари, қариндош-уруғлари ундан юз ўгирди. Соғлиги тутдек тўкилди. Олтмиш ёш остонасида турган бу инсон яқинда навбатдаги жазо муддатини ўтаб, Янгиер шаҳрига қайтиб келганида уни таниган-билганлар Назар энди тавбасига таянган бўлса керак, деб ўйлашган эди. Аммо Назар Бердиевнинг ҳамон ақли кирмаган экан. У ўн биринчи марта жиноятга қўл урди. Бу гал бир ёш йигитнинг жонига қасд қилиб, қўлини қонга бўяди.***

***Назар шаҳарда яшаётган таниши Павел Куриловникига ташриф буюради. Одат шунақа, мезбонлар уни спиртли ичимлик билан сийлашади. Майхўрлик давом этаётган пайтда Равшан Холбоев деган бир йигит кириб келади. Нима учундир улар ўртасида гап қочиб, жанжаллашиб қолишади. Равшан Н.Бердиевнинг юзига бир мушт туширади. Назарнинг кўзи ёвуз чақнайди ва оқибатини ўйламай стол устида турган ошпичоқни Равшаннинг қорнига санчиб олади.***

***Шифокорлар барака топишсин, минг бир машаққат билан йигитни ажал чангалидан сақлаб қолишди. Аммо у бир умрга ногирон бўлиб қолди.***

***Суд Назар Бердиевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига кўра саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Эркин ҳаётнинг қадрига етмаган Назар ўн биринчи марта темир панжара ортига равона бўлди.***

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**



Ҳикоя

# Муқаддас китоб

Маннон билан ёшликдан бирга ўсганмиз. Унинг ойиси хат-саводи бўлмаса-да, эртак сўзлашга жуда уста, ўтган воқеаларни кечагидай эсларди. Афсона иштиёқида дадам, ойимдан рухсат олиб кўпинча Маннонларнинг уйида тунардим.

Эртак тинглаб, биз ҳам қаҳрамон бўламиз деб бўлмағур ишларни қилар эдик. Бир куни холам манови афсонани айтиб берди: Беҳзод севгилисини излаб юриб, тоғда бир ялмоғиз кампирга дуч келиб қолади. Йигит одоб билан салом беради. Шунда ялмоғиз кампир:

— Агар саломинг бўлмаганда икки ямлаб, бир ютар эдим, — дейди.

Шундан сўнг иккаламиз кўчада кўринган кишига салом берадиган бўлдик. Ҳатто бир-биримиздан олдинроқ салом беришга ҳаракат қилардик.

Бир куни Маннон билан дарвозамиз олдида ўйнаб ўтиргандик, эшак минган нотаниш чол ўтиб қолди. Мен абжирлик билан «салом» дедим. Чол алик олди-да, «баракалла, болаларим, баракалла» деб алқади.

Маннон бу мақтовдан ийиб кетди шекилли:

— Эшагингизга ҳам салом, — деса бўладими.

Қачон Маннонларникига борсам, биз ётадиган хонадаги шифтнинг бир бурчагига гулли халтага солиб осиб қўйилган китоб диққатимни тортар эди. Унга ҳеч ким тегмасди. Нега бунақалигига ақлим етмай, қизиқишим тобора кучаярди. Охири ўзимни тутолмай, холамдан сўраган эдим:

— У муқаддас китоб, дунёнинг бутун илми-ҳикмати шу китобда, — деди. — Маннонжоннинг катта боболари «китобни яхши сақланглар, кўп илмнинг калити бу» деб васият қилишган.

Энди холам эртак сўзласа, улардаги сеҳрли қалпоқ, сеҳрли чироқ, учар гилам, уртўқмоқларнинг ҳамма сири гўё шу китобдадек туюларди.

Ақл-ҳушимиз қаҳрамон бўлишда эди. Лекин қандай қилиб?

— Маннон, — дедим бир куни, — бир иш қилсак, чинакам қаҳрамон бўламиз. Истаганимиз муҳайё бўлади. Хоҳласак дунёнинг у чеккасида, хоҳласак бу чеккасида яшаймиз.

— Қандай қилиб?

— Хўп десанг, кейин айтаман, — дедим ўзимни салобатли тутишга уриниб.

— Сенга бирон марта йўқ деганмидим? — деди унга ишонмаганимдан хафа бўлиб.

— Ҳув анави китоб бор-ку, — дедим шивирлаб шифтдаги китобга ишора қилиб, — унда кўп сир бор. Агар уни олиб ўқиб чиқсак, учар гиламни, уртўқмоқни, сеҳрли қалпоқни ҳам топамиз. Сўнг қаҳрамонлик калити бизда бўлади.

— Ҳа, ойим «дунёнинг илми-ҳикмати шу китобда» деганди. Нима қиламиз? Ойим билиб қолса... — менга савол назари билан тикилди у.

— Холам ҳозир қаерда?

— Ҳовлида урчуқ йигириб, офтобга ёйилган буғдойни қўриб ўтирибди.

— Холамни бир илож қилиб қўшниларникига чиқара олсак, марра бизники!

Туш пайти. Хонадан ҳовлига чиқдик. Хумор холанинг олдидаги буғдой ёйиб қўйилган шолчанинг икки четига омонатгина чўнқайдик. Мен ҳовучимга бир сиқим буғдой олиб, шолча устига сочдим. Маннонга маъноли қараб қўйдим. У бир дона буғдойни оғзига солиб, тиши билан эзди шекилли, буғдой қарс этиб синди.

— Буғдой қурипти, ойи, — деди у.

— Кечгача турсин, аканг ишдан қайтиб кечаси тегирмонда торттириб келади, — деди-да бизга синчков тикилди. — Нега ипакдек мулойим бўлиб қолдиларинг?

— Зерикаяпмиз, — дедим маъюсгина.

— Эртак айтиб беринг, — деди Маннон гапимни илиб.

— Кундуз куни эртак айтса, орқасига тирноқ чиқади, — деди кулиб Хумор хола. — Буғдойни қўриб ўтирсаларинг, кечаси майли айтиб бераман. Турк холанг келинига кийиз қилаётган экан, бориб қутлуғ бўлсин қип келай.

— Бора қолинг, ойи, майли, қўриб ўтирамиз, — деди Маннон бидирлаб ўзини тутолмай.

— Яна ўйнаб кети-и-иб, товуқлар буғдойни ҳовли билан битта қилиб ташламасин, — тайинлади холам.

Сўз бердик. Хумор хола урчуғини кўтариб чиқиб кетди. Биз эса шип этиб уйга кирдик. Шифтга тикилдим. Халтадаги китоб кўзимга илгаридан ҳам сирлироқ кўриниб кетди. Сакраб токчага чиқдим. Бўйим етмади.

Ошхонадан сандални олиб келиб, бурчакка қўйдим. Барибир паст. Унинг устига нима қўйиш керак? Тахмондаги кўрпа-ёстиқларни олиб сандал устига қўя бошладим. Анча баланд бўлди.

— Маннон, бери кел, оёғимдан кўтариб юбор, кўрпа қулаб кетмасин.

У энкайиб турди, мен авайлаб елкасига оёқ қўйдим-да, чаққон кўрпа устига чиқдим. Баргдек титраймиз.

Шу пайт ҳовлидан «Хумор момо, Хумор момо» деган товуш эшитилди. Чўчиб тушдим. Маннон югуриб ҳовлига чиқди.

— Менинг ойим шу ердами? — деди Тилмат тоғанинг кичкина қизчаси.

— Ойинг бу ерда нима қилади? Ойинг эр излаб кетган. Бор, жўна! — Маннонининг жуда қўрққанлиги овозидан билиниб турарди. У қайтиб кирди-да:

— Падарлаънат кал қизчанинг топган вақтини қара, — деди ранги оқариб.



Мен сал ўзимни босиб, халтага қўл чўздим. Чанг босиб ётибди. Секин қоқиб, китобни суғуриб олдим. Очдим. Варақлари сарғайиб кетган. Нима балолар чизиб ташланган, ҳатто ҳошиялари ҳам банд. Қаёғи боши, қаёғи охири эканлигини билолмай қолдим.

— Нима экан? Учар гилам борми? — деди Маннон сандал устида тик туриб.

— Тавба!? Нима ёзилган экан-а? — дедим ўзимча.

— ... ҳа кишт-а, кишт, Маннон, Ҳамдам... Бўйнинг узилгур, кишт... — Хумор холанинг ҳовлидан овози эшитилиб қолди. Ноқулай турган эдик, шошганимиздан кўрпа билан ағдарилиб тушдик. Мен дарров турдим-да, китобни кўрпа орасига тиқдим. Маннон эса ерда вой-войлаб ётибди.

— Қаҳрамон бўлармиш тағин, — дедим кесатиб. — Салга қиздек вой-войлайсан-ку!

У ҳам турди-да, уст-бошимизни қоқиб ҳовлига чиқдик.

— Нима бўлди, хола?

— Қаерда юрибсизлар? Товуқлар буғдойни ер билан яксон қилибди-ку! Бола — боланинг иши чала! Э худо, қачон одам бўлиб, қачон эсларинг киради?

Товуқлар қуқулаб нарёқда юришарди.

— Ойи нега тез қайтдингиз? — деди Маннон томдан тараша тушгандай.

— Қутлуғ бўлсинга қуруқ бораманми? Ярим йўлда эсимга келди. Иккита кулча ўраб борайин девдим.

Икковимиз ҳам Хумор хола уйга кирмаса деб юрагимизни ҳовучлаб турибмиз.

Холам жавраб-жавраб уйга кириб кетди. Биз нима қилишни билмай туриб қолдик.

Тўсатдан холамнинг овози эшитилди:

— Вой, шўрим қурсин, қутлуғ бўлсинга бормай ўлай! Бу нима қилиқ?!

Маннон бориб тўғрисини айтди.

— «Муқаддас китоб»ни кўрмоқчи эдик!

Холам шаҳд билан шифтга қаради. Китоб йўқ.

— Китоб қани? — деди қалтираб.

Мен уни кўрпа орасидан олиб бердим. Хумор хола китобни уч марта ўпиб, пешонасига оҳиста тегизди. Сўнг халтага солди.

— Бу Муҳаммад пайғамбарнинг китоби — «Қуръон»! Буни ювуқсиз ушлаш гуноҳ! Таҳорат қилиб, кейин ушлаш керак, — деди Хумор холам.

— Муҳаммад пайғамбар ким? — деб сўрадим.

— Худонинг ўнг қўли. Уни худо мусулмонларга йўл-йўриқ кўрсатиш учун осмондан ерга элчи қилиб юборган.

Эсимда қолгани шуки, холам бу муқаддас китобни очиб ҳам кўрмади.

Ё ўқиёлмасмиди?..

...Биз шаҳарга кўчдик. Йиллар ўтди. Мен ўрта мактабни тугатиб, Москва шарқшунослик институтига ўқишга кирдим. Учинчи курсни тугатиб, ёзги таътилда уйга қайтдим. Шаҳардаги уйимизда тўрт-беш кун турдим-да, қариндошларни кўргани қишлоғимизга жўнадим.

Қишлоқ ўзгарибди. Янги уйлар қурилибди. Маннон ҳам эски уйининг ёнидан данғиллама уй солибди.

— Энди эски уйни ҳам бир кўрайлик, — дедим Маннонга. Ўша «муқадддас» китобни кўриш умидида эдим.

— Юр.

Эски уй назаримда жуда паст, ғариб бир кулбага ўхшаб кетди. Киришим билан шифтга тикилдим. Китоб ҳалиям осиғлиқ. Чунонам қувондимки...

— Холам энди китобни кўришга рухсат берар, — дедим. Маннон «ўғирлигимиз»ни эслади шекилли, кулиб юборди.

— Арабчани биласан-ку, ўқиб кўр, зеро учар гилам билан уртўқмоқ сирини билиб олсак, — деди у. — Уртўқмоғу қайнар хумча энди керак!

Китобни ўқиб, ҳайратдан оғзим очилиб қолди. Холам айтгандек, у «Қуръон» эмас, Али Абу ибн Синонинг тил фонетикаси ҳақидаги форсча рисоласи экан. Хумор холамга ўқиб бердим.

— Бесаводлик, болам, — деди у кищи афсусланиб.

— Мен ҳам шу вақтгача «муқаддас» китоб деб тегишга қўрқиб юрибман! — деди Маннон.

— Чиндан ҳам муқаддас бу, — дедим холамга қараб. — Ҳақиқатан ҳам бесаводсиз, хола. Бу китобларда сиз айтгандек илми-ҳикмат кўп, афсуски, ўқий оладиган одам кам.

— Институтда фалсафа домламиз араб алифбосини лотин алифбосига алиштириб, кўп нарса йўқотдик деганда тушунмаган эдим. Гап бу ёқда экан-да! — деди Маннон.

— Секинроқ айтибди дема, буни бақириб айтиш керак! Американи Колумб очди деган назария ҳам эскираяпти. Америка қитъасини Беруний Колумбдан бир неча аср олдин харитасида кўрсатган экан. Бу гаплар ҳам мана шундай «муқаддас» китоблардан чиқаяпти. Дунё ҳам тарозининг икки палласига ўхшайди деган Беруний. Машриқда қуруқлик бор экан, демак, унинг иккинчи палласи — мағрибда ҳам қуруқлик бўлиши керак деб башорат қилган у!

Маннон билан кўзларимиз тўқнашди ва бир-биримизга тикилиб қолдик...

**Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ**

Томошабин кулиб турса ҳам, қалби йиғлайди Ishonch
2008 йил 10 июл № 82 (2495)



***Сиз уни яхши танийсиз. Номини эшитишингиз билан хотирангизда қопдай костюм, узун ва кенг шим, йиртиқ бошмоқ кийган, бошидан ғижим шляпа тушмайдиган, лаблари кулса-да, кўзлари юм-юм йиғлаётган буюк актёр гавдаланади. Унинг бир-биридан қизиқ фильмлари хаёлингиздан ўтаверади. Уни ҳамма танийди. У эса: «Мени ҳамма танийди, яхши кўради ва бир бор суҳбатимни олишга муштоқлар сони мингта. Мен эса ҳеч кимни билмайман. Ўз оламим ва руҳиятимга назар солсам, ўз-ўзимга ачиниб кетдим, ғам қаърига чўкиб кетгандек бўлдим», — дейди.***



# Чарли ЧАПЛИН: «Ҳақиқатгина санъатда барҳаётдир...»

Кулги қироли, ёрқин орзулар мусаввири Чарли Чаплин Англияда туғилиб, вояга етди. Унинг отаси Париждан Лондонга келиб қолган комик қўшиқлар устаси, онаси оперетта театрининг актрисаси эди. Чарлига болалик қувончлари насиб этмади. Ота-онасининг кескин муносабатлари оиланинг ниҳоятда қашшоқлашувига сабаб бўлди. Онаси камбағаллик сабаб театрни тарк этиб, болаларини боқиш учун арзимас чойчақага бичиш-тикиш қилиб юрди, кейинчалик ишчиликка ёлланди.

Отаси вафот этгач, оила ҳам иқтисодий, ҳам маънавий мададдан узилиб қолди. Беш ёшли Чарли ҳамда акаси Сидней кейинги пайтда бутунлай иши юришмай қолган онаси қарамоғида қолди. Чарли мактабни ташлади. «Рампа чироқлари» филми қаҳрамони Калверо «Камбағаллик айб бўлмаса-да, ночорлик одамни хўрлайдиган айб» деганида Чарли Чаплиннинг болалик давридаги машаққатли кунлари ёдга келади.

«Бир куни акам билан уйга қайтсак, уй шип-шийдам, қўшни болаларнинг айтишича, онам кўчага чиқиб қўшниларнинг эшигини бирма-бир тақиллатибди, чиққан одамга «Сизларга ажойиб совға олиб келдим» дея бир бўлакдан кўмир улашибди. Кейин уни полиция ва санитарлар олиб кетишибди», — деб хотирлайди Чарли Чаплин.

Унинг онасини руҳий хасталиклар шифохонасига олиб кетишган эди. Чарли эса газета сотди, қўғирчоқ елимлади, босмахонада ишлади.

Унинг умр йўли равон бўлмади. Саккиз ёшида цирк томошаларида иштирок этди. Чарли масхарабоз Лапандан жуда кўп нарсаларни ўрганди. Унга тақлид қилиб бажарган машқларини кўрган акаси «Вақти келиб ажойиб масхарабоз бўласан» деганда негадир у жим бўлиб, хаёлга чўмиб кетарди. Чунки у масхарабоз эмас, буюк трагик артист бўлишни орзу қиларди. Шундай кунларнинг бирида акаси Сидней кемада ҳарбий сурнайчилик қилишга ёлланади.

Бўлғуси буюк актёрни эса машаққатлар улғайтирди. У театрдан паноҳ топиб, болаларбоп роллар ижро этди.

У ичакузди комедиялари билан халқ муҳаббатига сазовор бўлаётганига қарамай, ижодидан қониқмасди. Унинг ҳар бир чиқиши буюк истеъдоди ҳосиласи эди. Асарларида кучли фалсафий руҳ ҳукмрон эди. Болалик изтироблари ижтимоий воқеа сифатида саҳнага кўчарди.

Англия бўйлаб сафарларда юрадиган театр ҳаёти бўлғуси комик актёр учун катта сабоқ бўлди. У ўн олти ёшида уйланади. Аммо актёр бу ҳақда ҳатто эсдаликларида ҳам эсламайди.

Акасининг ўғлини қарамоғига олиб, болакай билан алоҳида яшайди. Театр труппасининг Америкага ташрифи Чарли учун омад келтирди. Унга бу диёр ёқиб қолди. Иккинчи сафарида Чаплин ҳатто банкда ҳисоб-рақам очиб, пул жамғариш имконига эга бўлди. «Кистоун» фирмаси Чарлини ҳафтасига 150 доллар маош билан кинокомедияларда суратга тушишга таклиф этди. Негаки, унинг иштирокидаги филмлар катта муваффақият қозонар, аммо режиссёрлар Чарлининг сценарийларга ўзгартириш киритиши ва маслаҳатларидан эси оғиб қоларди. Чаплин ўйлаб ўтирмай ўз сценарийлари асосида суратга тушишга қарор қилди.

«Кистоун» фирмаси билан алоқа узилгач, Чаплин учун ўтган беш йил чинакам изланиш ва маҳоратини ошириш даври бўлди. Бу пайтда у «Эссеней», «Мьюгуэл» компаниялари билан шартнома тузиб, ўнлаб филмларда иштирок этди. Иқтидорли актёр филмда иштирок этиш билангина чекланиб қолмай, ўзи ҳам сценарийлар ёзарди.

«Фақат ҳақиқатгина санъатда барҳаётдир» деган шиорга амал қилган Чарли ўзи яшаётган жамиятнинг жирканч иллатларини фош қилувчи филмлар яратди. Бироқ кинокомпанияларнинг ҳомийлари бу йўлда унга эркинлик беришмас эди. «Эссеней» фирмасида суратга туширилиши ниҳоясига етай деб қолган «Ҳаёт» комедияси шунинг учун экран юзини кўрмади.

Тўғри, Чарли ҳар гал компаниялар билан шартнома тузаётганда ижодий мустақиллик ҳақида келишиб оларди, аммо у ўзи орзу қилган даражада мустақилликка эриша олмади. Ниҳоят 1917 йили «Ферснейшнл» деб номланган йирик компания билан шартнома тузиб, ўзининг «Чаплин» студиясини ташкил этди. Орадан беш йил ўтиб «Чарлз Чаплин филм корпорейшн» деб номланган фирма вужудга келди. Шундан кейин Чарли ижодида янги давр бошланди.

## «ИТ ЁТИШ»

Унинг ушбу асарида давр фожиаси акс этган. ...Вайрона девор панасидаги ерда ишсиз, уй-жойсиз Чарли осмонга тикилиб ётади. Унинг содиқ дўсти — Скрэпс лақабли ити ахлат қутисидан паноҳ топган. Совуқ шамол баданга игнадай санчилади. Чарли жунжикиб уйғонади, елвизакдан сақланиш учун даструмолини девор тешигига суқади. Энди кўзи илинганда унга очлик азоб бериб уйғотади.

Ночор Чарли мизғиб ўтирган сотувчининг сосискасини ўғирламоқчи бўлиб полиция қувғинига учрагач, қочиб-қочиб ишга жойлаштириш бюросига дуч келади, навбатда турган давангирдек ишсизлар билан тенгсиз олишувдан сўнг амаллаб туйнукка етиб борган Чарлига «иш йўқ» деб жавоб беришади. Бу ерда ҳам омади чопмаган Чарли кўчага чиқади. Очликдан эгасидан ҳам баттар силласи қуриган Скрэпс суяк топиб олади. Дайди итлар тажовузига учраганда Чарли аралашуви билан суяк Скрэпсга тегади-ю аммо бечора Чарлини итлар талайди...

«Ит ётиш...» деб номланган бу филмда ҳақсизлик ва тенгсизлик ҳукм сурган жамиятда оддий одамнинг турмуш кечириши нақадар машаққатли эканлиги акс этган. Тўғри, филм қаҳрамонлари ҳаётида қувончли, эсда қоларли дақиқалар ҳам бўлади. Томошабин ожиз, жуссаси кичкинагина, афтодаҳол ишсизга омад кулиб боқаётганида унинг ажабтовур хатти-ҳаракатларидан қувонади, кулади. Бироқ филмнинг бошланиши ва якунидаги манзара, ҳолатлар, қаҳрамон кўзидаги тубсиз мунг қалбни ларзага солади. Чарли Чаплин филмларида томошабин кулиб турса ҳам, қалби йиғлайди.

Қопдек костюм, узун ва кенг шим, йиртиқ бошмоқ кийган, бошидан ғижим шляпа тушмайдиган кичкина Чарли образи шунинг учун ҳам ер юзидаги барча одамлар қалбини забт этади. У иштирок этган филмларни кузатадиган бўлсангиз, деярли барчасида Чарли фақат иқтисодий ва ижтимоий келиб чиқиши жиҳатдангина эмас, балки жисмонан заиф, кучсиз, кичик одамлигини пайқайсиз.

Чарлининг актёрлик қобилиятини бўрттириб турадиган нарса, биринчидан, ундаги самимият ва камтарлик бўлса, иккинчидан, барчага таниш қиёфаси, қадам олиши томошабинни қизиқтирарди. Чарлининг таъкидлашича, бундай ўрдак юришни у болалигида Ламбет кўчасида яшовчи бир отбоқар пиёнистадан ўрганган эди.

Чарлининг «Мюгуэл» билан ҳамкорлиги ижодини энг юқори чўққига олиб чиқди. Айниқса, компания билан 670 долларга шартнома имзолаши қашшоқлик билан бутунлай хайрлашишига сабаб бўлди. Бу ҳақда ҳар куни газеталарда шов-шувли чиқишлар уюштириларди. Аммо бунга Чарлининг ўзи бепарво эди. Негаки, у ҳар ойда бир янги филмни тугатиб ташларди.

## УЧИНЧИ ЧАҚА — САХОВАТГА

Чарли шуҳрат чўққисида юлдуздек порлаганда ҳам ўзи туғилиб ўсган Ламбет кўчасидаги қашшоқларни унутмади, кўплаб филмларидан келган фойдани кўзи ожизлар фондига ҳадя этарди, неча ўн минглаб ёрдам сўраб ёзилган мактубларни эътиборсиз қолдирмаган, ўнлаб ноёб истеъдод соҳибларига саховат кўрсатган. Парижда яшайдиган тўнғич қизи киноактриса Жералдинага ёзган мактубида унинг нақадар саховатпеша ва олийжаноблиги акс этган: «Сенга тўлдирилмаган чек юбораяпман. Қанча тиласанг шунча пулни ёзиб олавер. Аммо икки франк сарфлайдиган бўлсанг, учинчи чақа сеники эмаслигини ёдингдан чиқарма. У шу пулга муҳтож бирон бегона одамга тегиши керак».

Чарли Чаплин ҳаётини, ижодини ҳақсизликни йўқотишга, адолатли жамият барпо этишга қаратди. Айниқса, фаолиятининг сўнгги йилларига оид «Диктатор», «Жаноб Варду» филмларида уруш оловини ёқувчиларни очиқдан-очиқ фош этган. Унга халқаро тинчлик мукофоти берилиши ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг ифодасидир.

Аслида буюк комик актёрнинг ҳар бир асари инсоният тарихидаги улкан меросдир. 1910 йилдан бошлаб яратган овозсиз филмлари ҳануз қимматини йўқотгани йўқ. Жумладан, «Яхмалак», «Болакай», «Олтин қутқуси» каби комедиялари барҳаёт мерос сифатида эъзозли.

Чарли Чаплин икки марта — 1972 ва 1978 йиллари «Оскар» мукофоти билан тақдирланган.

## ОЛОВЛИ МУҲАББАТ

Барча буюк санъаткорларга ўхшаб унинг оилавий ҳаёти осойишта кечмади. У ҳамиша оташин ва умрининг сўнгги лаҳзаларига етадиган самимий муҳаббатни орзу қилиб яшарди. Ҳар гал ҳаётига кириб келган аёлдан шундай оташин севгини кутар, аммо сал фурсат ўтмай олисдаги юлдузлар мисол улар изсиз кўнглидан чиқиб кетарди.

Замонасидаги машҳур драматургнинг қизи Уна О'Нилгина унга чинакам оилавий бахтни бера олди. Чарли уни биринчи бор кўргандаёқ айнан шу қиз ўзи излаган оташин муҳаббати эканлигини ҳис қилди. Чарли Унани бутун борлиғи билан севди, ардоқлади. Уни яқиндан билгани сайин ҳайрати ва қизиқиши ошарди. Бу қизнинг бошқалар фикрини ҳурмат қилиши Чарлига, айниқса, ёқиб қолганди. Буюк актёр 55 ёшида 18 ёшли соҳибжамол Уна О'Нилга уйланади.

Уна унга вафодор умр йўлдоши эканлигини исботлади. Асал ойида унга дунёнинг энг гўзал гўшалари эмас, балки суд залларига қатнаб, эрига далда бериш насиб этди. Бу пайтда «Ҳаёт ва ҳақиқат» филмида бош ролни ижро этаётган Жаон Берри Чарли Чаплинни судга бериб, кўчадан орттирган боласини унинг фарзанди деб мўмай пул ундириш илинжида эди. Суд бола Чарлидан бўлмаса ҳам она-болага зарур нафақа тўлаш кераклиги ҳақида қарор чиқарганди.

Ҳолливуд қўлламаган ана шундай оғир дамда унга биргина Уна тасалли берди, қалбида умид уйғотди, ижодга қайтарди. Шунда Чарли унга уйланиб хато қилмаганини англаб етди. Негаки, у билан танишган аёлларнинг бари бир хил мақсадни — ё бой бўлиш, ё буюк актёр ёрдамида машҳур бўлишни орзу қилишарди.

Чарли Чаплин адолат ва ҳақиқат тарафида эди. Унинг сиёсий қарашларига шу боис ҳамиша маломат тошлари ёғиларди. Филмлари кинопрокатлардан чиқариб ташланди. Буюк актёр эса умр йўлдоши ва болалари билан Европага кўчиб кетди...

Хуллас, Чарли Чаплин «умрининг энг гўзал онларини» меҳрибон ва оқила рафиқаси, саккиз фарзандининг онаси Уна О'Нил билан ўтказди. Швейцариянинг Лозанна шаҳри яқинидаги жаннатмакон гўшада 25 йил яшади. 1977 йили 88 ёшида вафот этди.

**Амина ҚОДИРОВА тайёрлади**

# Бизни тинглаётган Ой

## ва унинг тақдиримизга таъсири



**Ҳеч эътибор берганмисиз?.. Ой тўлган кезларда осмон янада чиройли тус олади. Юлдузлар ҳам ёрқинроқ чарақлайди. Шундай гўзал тунларда беихтиёр туйғуларимиз жўшади, кўнглимизга бир дунё орзулар меҳмон бўлади. Кечинмаларимиздан ўзимиз ҳам ҳайрон бўламиз. Аслида бу бежиз эмас экан. Кўкда сузаётган тўлин ой ҳаётимизга ҳам таъсир кўрсатаркан!**

Кўп йиллар аввал космик кемани Ой сатҳига қўндирган америкалик астронавтлардан бири у ерда ғалати товушни эшитади ва бу чўзиқ нидо унинг хотирасида муҳрланиб қолади. Кейинчалик у университет талабалари билан учрашувдан қайтаётиб, мусулмонлар масжиди ёнида беихтиёр тўхтаб қолади-да, сўнг шеригидан сўрайди:

— Бино ичидан қандайдир товуш келаяптими?

— Ҳа, азон айтишаяпти.

Астронавт узоқ ўйланиб тургач, таажжубланиб сўзлайди:

— Қизиқ... Мен худди шу товушни Ойга қўнганимда ҳам эшитгандим.

...Орадан бирмунча фурсат ўтиб, Россия матбуоти саҳифаларида Лела исмли ғаройиб қизалоқ ҳақидаги мақола босилади. Унда ёзилишича, қизча одатдагидан тезроқ ўсарди.

«У ҳеч қачон анави амаки бундай деди, тарбиячи ундай гапираяпти демасди, балки амаки бундай ўйлади, тарбиячи бунақа хаёл сурди деб айтарди. Тўрт ёшларидан бошлаб коинотга парвоз қила бошлади, асосан Ойга учарди. Унинг вужуди гўёки чуқур уйкуда, ақли эса юксак самода кезиб юрарди...».

Газетада шундай ёзилади: «Леланинг ҳикояларига қараганда, Ой жуда ғаройиб сайёра. Унда митти мовий одамчалар ва марҳум руҳонийларнинг арвоҳлари яшайди. Оддий бандаи мўминларнинг арвоҳини Ойга қўйишмайди. Улар аввалги босқичда заминнинг кўринмас акс-садоси бўлган, Ер ва Ой ўртасида саккизланиб юрадиган етти рақамли сайёрага жойлашадилар. Яъни, Ерни айланиб Ойнинг атрофига ўтадилар, кейин яна Ерга қайтадилар. Йигирма йил ўтгач, марҳумнинг арвоҳи маълум мактабни ўтаб кейинги такомил учун бошқа оламларга йўл олади...». Ушбу мақолада таъкидланишича, Лелани ота-онаси Москвага, 6-болалар руҳий шифохонасига олиб борадилар. Онасининг айтишича, врачларнинг кузатуви ҳеч қандай натижа бермаган, улар қизалоқ буткул соппа-соғ деб хулоса чиқаришган.

Кўкда Ой сузиб юради... Гоҳо биз унинг чиройидан ҳайратланамиз. Сутдай ёруғ оқшомларда Ой гардиши одамларни магнит сингари ўзига тортади, шундай кунларда руҳиятимизда безовталиклар кузатилади. Ноҳуш таъсирлар оқибатида турли қонунбузарликлар, салбий ҳодисалар юз беради. Ой сатҳида рўй бераётган ўзгаришлар инсонга лаҳзама-лаҳза таъсир этади. Улар тушкун ва маъюс, ваҳимали хаёлларга берилувчан бўлиб қолишади. Уйкулари нотинч кечади, алоқ-чалоқ туш лар кўрадилар. Худди шундай кунларда бадандаги янги жароҳатлар (ёхуд жарроҳлик пайтида қўйилган чоклар)нинг битиши қийинлашади. Буни қаранги, Ой тўлаётган кунларда ювилган кир ҳам яхши очилмас экан! Агар сиз бирор жойингиздаги сўгални йўқотмоқчи ёки этингизга ўсиб кирган тирноқни олдирмоқчи бўлсангиз, аввал самога боқинг. Чунки бу сингари юмушларга тўлин Ой акс таъсир кўрсатади. Тибет шифокорларининг тавсиясига кўра, жигарни тозалаш ишлари Ой тўлганда бажарилса, кутилган натижани бераркан. Деҳқонлар тажрибасига кўра эса тўлин Ой шимол тарафда кўринса, ой давомида ҳаво салқин бўлади. Жануб тарафдан чиқса, ой мобайнида иссиқ ҳаво кутилади.

Шуниси қизиқки, Ой ярим доира ҳолига келиб турганда қилинган жарроҳликдан сўнг чоклар ўрни жуда тез битиб кетаркан. Чунки бу вақтда одамнинг танаси қон билан яхши таъминланади, етарли даражада намланиб туради. Ойнинг ўроғи чапга қараб турганда шифобахш ўсимликларнинг барг ва гулларида фойдали моддалар ниҳоятда кўп йиғилади, бу уларни териб, қуритиб олишнинг айни вақтидир.

Маълумки, Ой ҳар 28 кунда тўлади. Ой тўлган кезларда эркакларнинг чекишни ташлаши осон кечади. Пархез ҳам фойдали таъсир кўрсатади. Яхши дам олиш ва овқатни камроқ ейиш лозим. Негаки, бу кунларда бутун танамиз тозаланишга тайёр бўлиб тураркан. Жисмингиздаги барча нохушликларни бартараф этмоқ учун ўзингизга эътибор қаратинг. Ой тўлган кечаларда юраги хаста кишилар валериана қайнатмаси ва турли тинчлантирувчи дамламаларни ичиб туриши зарур. Уйкуга ётишдан олдин бир қошиқ асал солинган илиқ сутли чой ичиш, айниқса, фойдали.

Ой ўроғи ўнгга бурилиб «с» ҳарфига ўхшаб турганда инсон куч-ғайратга тўлиб-тошади. Бундай вақтда соғлиғингизни мустаҳкамлаш чораларини кўринг. Ой кичраяётганда қичитқи ўтдан чой дамлаб ичинг. Бир литр сувга бир қошиқ қуритилган ўт солсангиз бас, бу қайнатма танангизни тозаловчи муолажа сифатида таъсир кўрсатади. Ой қайтаётганда (яъни Ой тўлиб бўлганидан сўнг) киши танасида оғриққа сезгирлик камаяди. Юзни тозалатиш, сўгаллар ва тирноқларни олдириш муолажалари айни шу кунларда бажарилгани маъқул. Тўлин Ой аста-секин кичиклашиб, бир неча кун кўринмай қолади. Худди шу кезларда бадан қуввати кўпаяди, жисмоний фаоллик учун имкон яратилади.

Ой янги чиққан кезда Ердаги намлик миқдори, атмосфера босими, ҳарорат ва электр майдони кескин ўзгаради. Агар танамиз кучсизланган ёки унда сурункали хасталиклар кечаётган бўлса, Ой янгилигида муолажани тезлаштиришимиз шарт. Чунки бу кезда қон босими бирданига ошиши ёки юрак-ишемик хасталиклари хуружлари кўпайиши мумкин. Қадимгиларнинг таъбирича, Ой тик чиқса, Ер тинч бўлармиш! Ой янгилигида ток қаламчасини пайванд қилманг, барибир фойдасиз дейишади деҳқонлар. Чорвадорлар эса «Ой янги чиққан кезда байталнинг сути қуюқ, бироқ таъми бемаза бўлади» дейдилар. Момоларнинг айтишича, агар узоқ йиллар фарзандсизлик туфайли изтироб чекаётган эр-хотинлар Ой тўлганда баланд қир устида қовушсалар, албатта фарзандли бўлишар экан...

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

# Така ютган Аждар



***Қорадарё ва Норин қўшилган жойдаги қишлоқда одам бўйидан узун лаққа ва ёстиқдек бўлиқ сазан балиқларни ҳам, сочи ортидан елкандек эргашиб юрадиган «сув парилари»-ю, ялалоқ боши олдинда бўлатуриб думи йигирма метрлардан кейин кўринадиган «аждаҳо»ларни ҳам учратиш мумкин. Бу воқеани ҳам ўша қишлоқлик танишим Баҳромжон айтиб берган эди.***

— У пайтлар бошланғич синфда ўқирдим, — ҳикоясини бошлади йигит. — Дарё соҳилидан юз эллик-икки юз метр чамаси беридаги қабристон атрофида мол-қўйимизни ўз ҳолига қўйиб ўйин билан овора эдик. Бир бош соғин сигир ва ғунажиним билан бирга битта шохдор такам бўларди. Ўша куни бошқа шериклар қатори ўйинга берилиб кетибман. Бир маҳал такамнинг жон ҳолатдаги маъраши қулоғимга чалингандек бўлди. Ундан хабар олиш учун кетаётсам, ён қўшнимиз Рашид:

— Ўйинни бузма, эчкинг ҳам ўзингга ўхшаб ваҳимачи. Тилига тикан ботса ҳам маърайверади, — дея масхара қилди. Унинг гапидан кейин болаларга кулги бўлмаслик учун бормадим.

Озгина фурсат ўтди. Негадир, вужудимни хавотир тарк этмади ва беихтиёр моллар ўтлаб юрган томонга қараб йўл олдим. Ўйин билан бўлиб, ўтлоқдан узоқлашиб кетган эканмиз. Қабристон четидаги кекса қайрағоч кўзимга билинар-билинмас силкинаётгандек туюлди. Юрагим шув этиб, этим жимирлаб кетди. Эҳтимол, дарё соҳилидан шамол эсаётгандиру, мен сезмаётгандирман деб ўйладим. Шерикларимни чақиргани уялиб, йўлда давом этдим. Яқинроқ борсам, уч-тўрт ёшли дарахт йўғонлигидаги илон қайрағоч танасига арғамчидек ўралиб олиб, дам юқорига, дам пастга ҳаракатланарди. Эшитганларимни эсладим. Каттароқ ўлжани ютган илон уни ҳазм қилиш учун танасини дарахтга чирмаб эзғилар экан.

Сал ўтмай ўртоқларим Шокир ва Розиқ етиб келишди. Яқин боришга қўрқдик.

Розиқ ваҳима билан шивирлади:

— Дарёда аждар бор, қабристондаги кичикроқ ҳайвонларни тинчитиб туради. Ҳатто ит-мушукларни ҳам қўймайди деганлари рост экан.

— Калласини қара, калласини! — Шокир қўшимча қилди. — Болалар учраб қолса ҳам ямламай ютади-ёв.

— Оғзини кўрдингми, арғамчи тишлаб олибди.

— У қайсидир ҳайвонники, — бақирди Розиқ. — Кимникини тинчитди экан?

Ғала-ғовур кучайгач, қолган болалар ҳам етиб келиб, тош-кесак ота бошлаган эдик аждар дарахтдан ўрмалаб тушиб қирғоққа қараб судрала бошлади. Ўрмалаши ғайритабиий эди. Сал судралиб, бир тўхтаб оларди.

— Қара, танасини нимадир тешиб қўйибди, — Шокир бақирди. Ҳақиқатдан ҳам аждар танасининг икки жойида бир жуфт қонталаш шохсимон нарса диккайиб турарди.

— Бу ютилган ҳайвоннинг шохи! — болалардан бири бақирди. — Кимнинг мол-қўйи бўлиши мумкин?

— Бунақа шох мол-қўйда нима қилади? Ахир бу эчкиники-ку!

Илон дарёгача етиб бороломади. Чамаси, такамнинг шохи баданини илма-тешик қилиб ташлаган эди. Ярим йилча ари ва чивинларга ем бўлди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири**

Ishonch
2008 йил 10 июл № 82 (2495)

## Янгилик

**Корфбол. Асли Ватани Голландия бўлган ушбу спорт тури Ўзбекистонга ташриф буюрди.**

Яқинда Тошкент шаҳри ҳамда вилоятида Осиё ва Ҳиндистон корфбол федерациялари бош котиби жаноб Ражеш Меҳта бошлиқ бир гуруҳ мутахассислар 10 кун давомида маҳаллий ёшларимизга корфболни таништириб, ўқув семинарлари ўтказишди.

Биз жаноб Меҳтадан янги спорт тури ҳақида батафсил маълумот беришини сўрадик.

# Энди корфбол ҳам ўйнаймиз

— Корфболнинг луғавий маъноси, корф-саватча, болтўп сўзларидан келиб чиққан. 1902 йилда ўйлаб топилган бу спорт тури билан бугунги кунда дунёнинг 55 дан ортиқ давлатида шуғулланишади, — деди ҳиндистонлик мутахассис. — Халқаро федерациянинг штаб-квартираси Гонгконгда жойлашган бўлиб, жаҳон чемпионати, Европа, Осиё ҳамда Океания минтақаси бўйича қитъа чемпионатлари мунтазам ўтиб келмоқда.

Баҳслар 30 дақиқадан икки тайм давом этади. Ўйинда саккизтадан ўйинчига эга икки жамоа ўзаро беллашади. Тўрттадан эркак ва шунчадан аёл. Корфбол гандбол ва баскетбол ўйинларига ўхшаб кетади. Ўйин пайтида тўпни аёл киши эгаллаб олса, уни олиш учун рақибнинг эркак ўйинчиси ҳаракат қилиши мумкин эмас. Ушбу жиҳатлар ўйиннинг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

— Энди икки оғиз ўз мамлакатингиз корфболи ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Ҳиндистоннинг 28 та штатида бу ўйинни жуда севишади. Ёшлар, катталар ўртасида ҳамда миллий федерация доирасида мусобақалар ташкил этилади. Жануб, шимол, шарқ ва ғарб минтақаларида сараланган кучли жамоалар ўзаро мамлакат ғолибини аниқлашади. Яқинда Ҳиндистонда корфбол бўйича II Осиё чемпионати бўлиб ўтди ва унда бизнинг жамоа Хитой Тайпейидан кейин иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал соҳиби бўлди.

— Ўзбекистонга ташрифингиз, албатта, тасодиф бўлмаса керак... Делегация таркибида яна кимлар бор?

— Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Сканд Таялнинг таклифи ҳамда Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик жамияти кўмагида корфбол спорт турини юртингизда тарғибот қилиш учун келдик. Делегациямиз таркибида Ҳиндистон корфбол терма жамоаси бош мураббийи ёрдамчиси Санжев Гулери, халқаро тоифадаги ҳакам Ражеш Паспулкар ҳам бор. Улар спортчи ва мураббийлар учун семинарлар ўтказишди.

— Юртимиз ҳақида таасуротларингиз қандай?

— Тошкент шаҳри менга жуда ёқди. Айниқса, мамлакатингизда қурилган спорт иншоотлари қойил қолдирди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

## Легионер



# Вильянуэвадан баҳра олинг!

Осиё чемпионлар лигаси ва мамлакат чемпионатида зафар қозонишни кўзлаётган Тошкентнинг «Қурувчи» клуби ўз таркибини чилилик ҳужумчи билан бойитди. Бу ҳақда жамоа бош мураббийи Миржалол Қосимов қуйидагича баёнот берди:

— Анчадан буён хорижлик футболчиларни кўздан кечираётгандик. Ҳужумчиларимизнинг жароҳати айни пайтда бизга бироз муаммоларни туғдирмоқда. Шу боис, биз ушбу муаммони чилилик ҳужумчи орқали бартараф этмоқчимиз.

Лотин америкалик ҳужумчининг тўлиқ исми Хосе Луис Вильянуэва Ахумада бўлиб, у 1981 йил 5 сентябрда Чили пойтахти Сантьяго шаҳрида туғилган. 26 ёшли футболчи 2005-2006 йилги мавсумда Чили миллий терма жамоаси сафида 4 та учрашувда майдонга тушган.

Куни кеча легионер футболчи юртимизга етиб келди ва уни расмий таништириш маросими бўлиб ўтди.

Футболчилик фаолияти давомида «Палестино» (31 ўйин /22 гол), «Темуко» (12/7), «Оялье» (34/20), «Кобрелоа», «Университад Католика» (32/14) (Чили), «Расинг» (Аргентина) (31/7), «Морелиа» (Мексика) (16/4), «Улсан Хёнде Хоранги» (Жанубий Корея) (3/1), «Васка да Гама» (Бразилия) (3/0) жамоаларида тўп сурган Вильянуэва «Қурувчи»да 17-рақам остида ҳаракат қиладиган бўлди.

# Гранадлар баҳси

***Бугун ва эртага олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионатининг 15-тур учрашувлари бўлиб ўтади.***

Икки оғиз 14-турга тўхталадиган бўлсак, чемпионат пешқадамлари «Қурувчи» ва «Пахтакор» давра сўнггидаги «Тошкент дербиси» олдидан анча жиддий учрашувларда майдонга тушишди.

Миржалол Қосимов шогирдлари ўз майдонларида Бекободнинг «Металлург» клубини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, «Пахтакор» Жиззахда «Суғдиёна» клуби устидан 2:1 ҳисобида зафар қучди.

*Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:*

«Навбаҳор» - «Машъал» 1:0, «Андижон» - «Шўртан» 3:0, «Қизилқум» - «Локомотив» 1:0, ОТМК - «Динамо» 1:1, «Бухоро» - «Уз Донг-Жу» 3:1, «Насаф» - «Нефтчи» 0:1.

Эслатиб ўтамиз, 15-турнинг марказий учрашуви «Пахтакор» ва «Қурувчи» жамоалари баҳси бугун соат 19:00 да «Пахтакор» Марказий уйингоҳида бошланади.

## Осиё кубоги — 2011

# Навбатдаги қуръа

2011 йил Қатар давлатида футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Қитъанинг нуфузли мусобақасида мезбонлар, Осиё чемпионлари Ироқ, вице-чемпионлар Саудия Арабистони, бронза медали соҳиби Жанубий Корея терма жамоалари саралаш ўйинларисиз қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қолган 12 та жамоа кимлар бўлади?

Яқинда Қатар пойтахти Доха шаҳрида Осиё термалари гуруҳларга ажратилди.

Унга кўра, Рауф Инилеев шогирдлари «С» гуруҳида БАА, Малайзия ҳамда Ҳиндистон терма жамоалари билан икки йўлланма учун кураш олиб боради.

*Қолган гуруҳларда аҳвол қуйидагича:*

«А» гуруҳи: Япония, Баҳрайн, Гонгконг, Яман.
«В» гуруҳи: Австралия, Индонезия, Уммон, Қувайт.
«D» гуруҳи: Вьетнам, Хитой, Сурия, Ливан.
«Е» гуруҳи: Эрон, Таиланд, Иордания, Сингапур.

Шунингдек, ОФК Чақирув кубогининг 2008 ва 2010 йилги ғолиблари ҳам Қатардаги мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Терма жамоамиз гуруҳдаги ўйинларини 2009 йил 28 январдан бошлаб, 2010 йил 3 мартда тугатади:

*1-тур. 14 январ, 2009 йил. Ўзбекистон - Ҳиндистон, Малайзия -БАА.*
*2-тур. 28 январ, 2009 йил. БАА - Ўзбекистон, Ҳиндистон-Малайзия.*
*3-тур. 14 ноябр, 2009 йил. Ўзбекистон - Малайзия, Ҳиндистон -БАА.*
*4-тур. 18 ноябр, 2009 йил. Малайзия-Ўзбекистон, БАА-Ҳиндистон.*
*5-тур. 6 январ, 2010 йил. Ҳиндистон-Ўзбекистон, БАА-Малайзия.*
*6-тур. 3 март, 2010 йил. Ўзбекистон-БАА, Малайзия-Ҳиндистон.*

Ўзбекистон терма жамоалари бошлиғи Вадим Абрамов қуръа ҳақида ўз фикрларини қуйидагича баён қилди:

— Бизга ўзимиз истаган барча жамоалар рўбарў бўлишди. Бундан яхшироғини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Амирликлар терма жамоасини менсимаслик нотўғри. Улар ҳали баҳслар бошлангунга қадар ҳам ўз ўйинларини кучайтириб олишлари мумкин. Бундан ташқари, улар кучли мураббийга эгалар. Шунингдек, биз Малайзия ва Ҳиндистон терма жамоаларини жуда ҳам ҳурмат қиламиз. Бироқ, аминманки, уларни ортиқча қийинчиликсиз мағлубиятга учратамиз. Улар кучли бўлмаган рақиблар сирасига киришади.

# Югур тезроқ, болажон!

## Ёз — 2008



Маълумки, касаба уюшмалари тизимида кўплаб болалар дам олиш оромгоҳлари бўлиб, айни пайтда бу сўлим гўшалар ўғил-қизлар билан гавжум.

Яқинда Паркент туманидаги «Бойчечак» ва «Сумча» дам олиш оромгоҳларида анъанавий спратакиадалар ташкил этилди.

7-8, 9-10,11-12, 13-14 ёш гуруҳларига бўлинган жамоалар уч кун давомида «Алпомиш ва Барчиной», арқонда сакраш, югуриш, теннис тўпини улоқтириш, арқон тортиш, узунликка сакраш, кросс, сузиш, мини футбол, шахмат, шашка, волейбол спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Болажонларнинг мароқли дам олишлари, уларнинг ҳаракат қобилиятини ўстиришга қаратилган бу каби спорт мусобақалари давом этади.

**Зафар ИСМОИЛОВ,**
**Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши етакчи мутахассиси**

## Халқаро майдон

**Маълумки, Италия терма жамоаси Европа чемпионатида кўзлаган мақсадига ета олмади.**

# Липпи термага қайтди



«Скуадра адзурра» қитъа баҳсларининг чорак финалида испанларга пенальтилар бўйича ўйинни бой беришди.

Ушбу омадсизликдан сўнг «мовий гвардиячи»ларнинг мураббийлар штабида ўзгаришлар бўлиши ҳақида гап бораётганди. Шундай ҳам бўлди. Икки йиллик танаффусдан сўнг Италия термасига Марчелло Липпи бош мураббий этиб тайинланди.

Яқинда тажрибали мутахассис итальян оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб қайтарди.

Эслатиб ўтамиз, Италия терма жамоаси 2006 йил Германияда ўтган жаҳон чемпионатида айнан Липпи мураббийлигида олтин медалларни қўлга киритган, аммо шунга қарамай мураббий термани тарк этганди. Бу кетишнинг сабаблари ҳақида Марчелло шундай деди:

— Миллий терма жамоадан кетмаган бўлар эдим. Бироқ икки йил муқаддам кетиш учун сабаблар етарли эди... (Италия футболида юз берган шов-шувлар, етакчи жамоаларнинг жазоланиши каби ҳолатлар мураббийнинг шундай қарорга келишга ундаган бўлиши табиий).

— Терма жамоани энди қандай тузмоқчисиз?

— Ихтиёримизда икки йил олдин жаҳон чемпиони бўлган футболчилар бор. Мундиалда ғалабага ҳисса қўшган футболчилардан миннатдормиз. Демак, биз тажрибали ўйинчилар ва ёшлар ўртасида мутаносибликни топишимиз, фахрийлар ва янги ўйинчилар орасида тўғри муносабатни ўрнатишимиз лозим.

Европа чемпионатида зафар қучган испанлар бугунги натижани қайд этгунларича, кўп йиллар омадсизликка ҳам учраганлар. Жамоа ўйинчилари ёш бўлишларига қарамай ўз клубларида етакчи футболчиларга айланишган. Ниҳоят, жамоа Европада ғалаба қозониш даражасига етди ва ҳақли равишда бунга эришди. Италия терма жамоасига келсак, у ҳимоявий усулдан аллақачон воз кечган. Биз бундан кейин ҳам ҳужумкор ва томошабоп футбол кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Бироқ аъло даражадаги жамоа нафақат яхши ҳужум қилиши, балки ишончли тарзда ҳимояланишни ҳам билиши керак.

Терма жамоага ғалаба қозониш учун қайтдим. 2010 йил ўтадиган жаҳон чемпионати саралашида гуруҳимиздаги вазиятдан келиб чиқиб, рақибларимизга беписандлик кўзи билан қарамайман. Фақат саралаш босқичидан муваффақиятли ўтгандан сўнггина жаҳон чемпионлиги ҳақида ўйлаш мумкин.

# «Катта саккизлик» раҳбарлари Японияда



7 — 9-июл кунлари Япониянинг Хоккайдо оролида «Катта саккизлик»нинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда Япония, Россия, Франция, Германия, Италия, Канада, Буюкбритания ва АҚШ раҳбарлари, шунингдек, ривожланаётган 22 та давлат вакиллари иштирок этди.

Саммитда нефт нархининг дунё бўйича тўхтовсиз ошиб бораётганлиги, глобал исиш муаммолари, халқаро терроризмга қарши кураш, Африка мамлакатларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди. Иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга 20 мингга яқин полициячи жалб этилди. Саммит ўтадиган Тоя курорт кўли атрофидаги 46 километрлик ҳудудда эса ҳар қандай парвоз тақиқланди.

# Миллиардер истеъфога чиқди

***Дунёдаги миллионлаб футбол мухлислари россиялик миллиардер Роман Абрамович Лондоннинг «Челси» клубига эгалик қилишини билишади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам Абрамович 2000 йилдан шу пайтга қадар Чукотка автоном округи губернатори бўлганини билмаса керак. Чукотканинг ривожланишига сезиларли даражада ҳисса қўшган миллиардер 2006 йил декабр ойида истеъфога чиқишни сўраб мамлакатнинг ўша пайтдаги президенти Владимир Путин номига ариза ёзган эди. Бироқ Путин бунга рухсат бермаган.***

***Ниҳоят 2008 йил 3 июлда Россия президенти Дмитрий Медведев Абрамовичнинг истеъфосини қабул қилди.***





# Антиқа ўғирлик

Россия пойтахтида антиқа жиноят содир этилди. Москва шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг «Интерфакс» мухбирига маълум қилишича, Котляковский кўчасидаги қўриқланадиган автостоянкадан шаҳардаги қурилиш компанияларидан бирига қарашли учта «КамАЗ» бетон қориш машинаси ўғирлаб кетилган.

Компания директорининг гапига қараганда етказилган зарар миқдори 9 млн. рублга тенг. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тезкор қидирув тадбирлари ўтказилмоқда.




# Болливудда йўқотиш

Ҳиндистон киносаноатида салмоқли ўрин эгаллайдиган Болливуд кинокомпаниялари 2008 йилнинг биринчи ярмида 37,5 млн. доллар йўқотишди, яъни кинотеатрларда кутилганидан анча кам чипта сотилди.

Йил бошидан прокатга чиқарилган ҳинд тилидаги 47 та филм атиги 75 млн. доллар йиққан. Компаниялар эса бундан кўпроғидан умид қилишган эди.



# Бир суратга тушайлик...



«Hasselblad» компанияси бир секундда битта уч юз мегабайтлик расм оладиган, 50 мегапикселли H3DII-50 фотокамерасини намойиш қилди. Камера уч дюймлик дисплей билан жиҳозланган.

Фотоаппарат матрицасини «Kodak» компанияси ишлаб чиққан, унинг ўлчами 36 га 48 миллиметрни ташкил этади.

Камеранинг ёруғликка сезгирлиги ISO 50 дан ISO 400 гача.

Фотоаппарат шу йил октябр ойида сотувга чиқарилади, нархи 37 минг доллардан кам бўлмайди. Чунки ҳозирги 39 мегапикселли H3DII-39 моделининг нархи шунча.

# Форс кўрфази — машқлар майдони

**Ғарб давлатларининг Эрон ядро дастурига нисбатан муносабати кескинлашган бир пайтда Ислом инқилоби қўриқчилари корпуси (ИИҚК) Форс кўрфазида ҳарбий машқлар ўтказмоқда. «Буюк пайғамбар манёврлари — III» деган шартли ном билан ўтказилаётган ўқув машқларида мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг ракета дивизиялари ва ҳарбий денгиз флоти кемалари қатнашаяпти.**

**Машқлардан кўзланган мақсад расман уларда қатнашаётган қўшинларнинг жанговар салоҳиятини ошириш эканлиги айтилаётган бўлса-да, кузатувчилар бу июн ойи бошларида Исроил ҳарбий ҳаво кучлари ўтказган кенг кўламли машқларга Эроннинг жавоб чораси деб тахмин қилмоқда.**

**Маълумки, Эрон ўз ядро дастури фақат тинчлик мақсадига хизмат қилишини таъкидлашига қарамай, Исроил халқаро ҳамжамиятни унинг ядровий объектларига осмондан зарба беришга ундаб келади.**



# Хитой? Хитой!

Хитой шимолидаги Баодин шаҳрида ўзини ўзи электр энергияси билан таъминлайдиган дунёдаги биринчи меҳмонхона қурилмоқда. 0,3 МВт.га тенг электр токини бино деворларига ўрнатиладиган қуёш батареялари ишлаб чиқаради. Бу меҳмонхона эҳтиёжини қондирибгина қолмай, ортиқча қувватни шаҳар электр тармоғига йўналтириш имконини беради.

Мазкур қурилиш мамлакатда тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилмоқда.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади**




## Дунёдаги энг ёрқин шаҳар қайси?

Бу саволга жавоб топиш учун сайёрамизнинг фазодан туширилган суратларига разм солиш кифоя. Жаҳондаги мегаполислардан тунда таралаётган нур худди улкан саккизоёқнинг пайпаслагичлари сингари ҳаракатланиб туради. Улар орасида Лас-Вегас ўзининг ёрқинлиги билан биринчиликни эгаллайди. Қоронғу тушиши билан 80 квадрат мил катталикдаги майдон узра 24 минг неон электр линиялари нур тарата бошлайди.

Бу шаҳардан кейин ёрқинлик навбати Нью-Йорк, Париж, Токио ва Мехикога «бўшатиб берилган». Космонавтларнинг таъкидлашича, Москва бу борада йирик мегаполислар билан «баҳсга киришмайди». Аммо автойўл ёритгичлари худди АҚШдагидек — бепоён кенгликларга тарқалган қон томирларидек кўринади. Яқиндагина итальян астрономлари Пьерантонио Чинзано ва Фабио Фальк тунги осмоннинг ёритилиши бўйича биринчи атласни нашрдан чиқаришди. Унда тасвирланишича, АҚШ, Европа, Япония ва Канада тепасида бошқа «қоронғу» ҳудудлар таъсирида катта ёрқин «доғ» кўринади. Аниқланишича, Европанинг 98 фоиз аҳолиси ҳатто ёрқин тунда ҳам юлдузларни кузата олишмайди. Бунга сабаб ёритиш мосламаларининг тўқ сариқ ранглари осмонни қоплаб олишидир. Экологларнинг тасдиқлашича, шаҳарларнинг мунтазам ёритилиши янги экологик муаммо — «ёруғлик туфайли ифлосланиш»ни вужудга келтиради. Ёрқин чироқлар атрофида ўсаётган дарахт камроқ яшабгина қолмай, кислород ажратиб чиқаришда ҳам «оқсайди».

## Гулчилар меҳрини узоқ «кутган» гул

**Гладиолус ҳақидаги илк ҳикоялар эрамизнинг биринчи юзйиллигига тўғри келади. Кўриниши найзани эслатганлиги учун ҳам гулга лотинча «gladus» (яъни қиличсимон найза) номини беришган.**

**Қадимги Юнонистонда ҳам бу гул ҳақида турли тасаввурлар бўлган. Ёввойи ҳолда ўсувчи, тўқ-қизил рангдаги бу гул ҳақида юнон табиби Диоскорид қўлёзмаларида маълумот келтирилади. Юнонлар уни ёввойи ўсимлик деб билишган, аҳён-аҳёнда майдаланган пиёзини унга аралаштириб нон пиширишда фойдаланишган.**

**XIX асрга келибгина Европада гладиолусдан манзарали ўсимлик сифатида фойдаланишган. 1837 йилда бельгиялик боғбон Герман Беддингхауз гулни Жанубий Африкача навга пайвандлаш орқали янги тур кашф қилди ва унга гент гладиолуси номини берди. Шу ҳодисадан сўнг гладиолус маданий ўсимликлар сафидан жой олди.**





## Сўзловчи ҳашарот

Бугунги кунда ҳашаротларнинг 1 миллиондан ортиқ тури аниқланган. Улардан ўн минги турли овозлар чиқариш хусусиятига эга. Кўпчилик ҳашаротлар овоз аппаратига эга эмас, бироқ улар айрим тана аъзоларини ҳаракатга келтириш орқали овоз чиқаришади. Фақатгина «Ўликбош майхур» (Acherontia (Manduca) atropos) нутқ ҳосил қилиш аъзосига эга, бу орган унинг бўғзида жойлашганлиги билан ҳам қизиқарлидир. Бу капалак безовта қилинган чоғида жим турувчи ҳашаротлардан фарқ қилиб, чийиллайди. Қизилўнгачига ҳаво тўлдиргач, юқори лабининг ичкарисида жойлашган юпқа хитин пардасини титрата бошлайди. Бу овоз баъзан қичқириқ даражасигача етади. Бу капалак жануб ландшафтига хосдир. Кўримсизлиги туфайли кишилар ҳайратига сазовор бўлолмаган капалак «қичқириғи»га ёмонлик аломати сифатида қарашади.

## Энг бардошли аъзо

Инсон юраги энг чидамли аъзолардан биридир. Ваҳоланки, у эркакларда тана массасининг 1/215 қисмини, аёллар тана массасининг 1/250 қисминигина ташкил этади ва бор-йўғи 220-300 грамм атрофида вазнга эга. Ҳар секундда у томирларга 70 мл қон ҳайдайди, бошқача айтганда суткасига 6 минг литр қонни ҳайдашга хизмат қилади. 70-72 йиллик ҳаёт давомида бу кичик «мотор» 160 миллион литрдан ошиқроқ қон ҳайдайди. Бу Эверест чўққисига эскалатор кўтарилишига кетган энергия миқдори билан тенг.






(14 - 20 июл)

**ҚЎЙ**
*Ҳафтанинг дастлабки кунларида бор кучингизни иш жойингиздаги муаммоларни ҳал қилишга бағишланг. Шанба оқшомини кўнгилдагидек, фарзандларингиз ва ота-онангиз даврасида ўтказинг. Жанжал оқибатида кайфиятингиз бузилиши мумкин. Руҳан тушкунликка тушманг, ҳаммаси рисоладагидек бўлади.*

**БУЗОҚ**
*Душанбада кутилмаган совға оласиз. Ташқи кўринишингизга эътибор беринг, бирор ёқтирган нарсангизни харид қилинг. Компьютер билимларини эгаллаш, саёҳатга чиқиш, музокаралар олиб бориш учун ҳафта омадли келади. Тадбиркорлик ҳаракатингиз сиз кутгандан ҳам зиёда бўлади.*

**ЭГИЗАКЛАР**
*Пулни режасиз ишлатиш тадбиркорлик ишингизда тушунмовчиликлар туғдириши мумкин. Ҳисоб-китобдан янглишманг. Соғлиғингизга эътибор беринг. Ҳафта давомида кайфиятингиз анча кўтаринки бўлади. Иш жойингизда мансабингиз ошади. Буни суиистеъмол қилишга уринманг.*

**ҚИСҚИЧБАҚА**
*Ўқиш, малака ошириш, номзодлик диссертацияларини самарали якунлаш вақти келди. Дўстларингиз билан муносабатда эътиборсизлик қилманг ва муҳаббатга бепарво бўлманг. Уй ишлари ва шахсий муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилинг. Соч турмагингизни ўзгартиринг. Янада гўзаллашасиз.*

**АРСЛОН**
*Ҳафта давомида оилангиз ва касбингиз билан боғлиқ ҳодисалар юз бериши мумкин. Дам олиш кунлари турмуш ўртоғингиз билан муносабатларни яхшилаш ва барқарорлаштириш учун жуда қулай бўлади. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланинг.*

**ПАРИЗОД**
*Электр жиҳозлари ва техника билан ишлашда ўта эҳтиёткор бўлинг. Уй-жой озодалигига, фарзандлар соғлиғига эътибор беринг. Ҳафта ўртасида илм-фан чўққиларини эгаллаш, чет элга саёҳатга чиқиш муаммоларини ҳал қилишда дўстларингиз ёрдам беришлари мумкин.*

**ТАРОЗИ**
*Моддий ва молиявий, мерос масалалари осонгина ҳал бўлади. Ҳужжатларни нотариусда тасдиқлатишни унутманг. Дам олиш кунларини оила аъзоларингиз ва яқинларингиз даврасида ўтказинг. Фарзандларингиз соғлиғига эътибор беринг.*

**ЧАЁН**
*Банкдаги омонатингиз даромад келтирмаслиги мумкин. Кредит олишда зийракроқ бўлинг. Тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун банкнинг ўзидаёқ шартнома шартлари билан танишиб чиқинг. Дўстларингиз ва яқинларингиз ёрдамига суянишингиз мумкин. Молиявий муаммолар келиб чиқмаслиги учун ҳисоб-китобни унутманг.*

**ЎҚОТАР**
*Уй-жой таъмирлаш ишларини бошлаш учун мутахассис билан маслаҳатлашинг. Пул маблағингизни беҳуда сарф бўлишининг олдини олинг. Ҳафта ўртасида иш юзасидан хизмат сафарларига чиқишингиз кутилмоқда. Ёз мевалари, шарбатлар истеъмол қилиш кайфиятингизни кўтаради.*

**ТОҒ ЭЧКИСИ**
*Бу ҳафтада дўстлар ва ҳамфикрлар билан муносабатларингиз бироз чигаллашади. Фаолиятингизда янги келишувлар ва алоқаларни мустаҳкамлаш ҳисобига фаоллашув кутилади. Фарзандларингиз ва ота-онангиз билан тоғ ёнбағрига дам олишга чиқишингиз мумкин.*

**ҚОВҒА**
*Ҳафта соғлиғингизга эътибор беришингизни талаб этади. Сурункали касалликлар қўзғалиши, ички касалликлар юзага чиқиши мумкин. Оилангиз ёки касбий фаолиятингиз билан боғлиқ ажойиб янгилик юз бериши кутилмоқда. Дам олиш кунлари яқинларингиз билан бирга бўлинг.*

**БАЛИҚ**
*Ҳафта самарали битимлар, янги музокаралар, хизмат сафарлари, тадбиркорлик фаолияти учун жуда муҳим. Дам олиш кунлари маош таклиф қилинаётган янги иш ҳақида ўйлаб кўришингиз мумкин. Дам олиш кунларини шаҳардан узоқроқда, табиат қўйнида ўтказганингиз маъқул.*

## Изоҳи сиздан...





Саратонда патлар ҳам
Асролмайди танани.
Шў боис сувга пишиб
Олмоқ керак каллани.

**Сарвиноз КОМИЛОВА,**
**II-Тошкент юридик коллежи талабаси**

Кучга тўлиб юламан,
Душманларимнинг патин.
Ўзимни ҳам авайлай,
Бошдан иссиқ ўтмасин.

**Фарҳод ПИРМАНОВ,**
**Булунғур тумани**

Кечгача шундоқ туриб,
Совутаман баданни.
Ахтариб зўрға топдим
«Винтели» йўқ кранни.

**Асадулло МИРЗААКБАРОВ,**
**«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг раиси**



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Ishonch

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
*Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев*

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Бизнинг манзил:
100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - А.Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ - Ш.Абдусамадов

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г— 614
Тиражи: 10766

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.35

Сотувда эркин нархда
2 3 4 5 6 7 8